

Келинг, бир суҳбатлашайлик!

Фақат, оддий эмас, ноодатий суҳбат курамиз, келинг?! “Қанақа бўлади у – ноодатий суҳбат?” – сўрасиз балки? Бу саволингизга жавоб шуки – буни ўзим ҳам ҳали тўлиқ билмайман. Фақат бир нарсани аниқ айта оламан: қандайдир ўта муҳим, ҳали қурилмаган суҳбат борлигини ҳис этиб туришман.

Вақтингиз зик, биламан. Ўқилмаган мақолалар бир уюм бўлиб ётибди. Информациянинг кўплигидан бошингиз “шишиб” қолган. Аммо... бунинг иложи бор. Бирламчи информацияни иккинчи даражалисидан ажратишни ўрганиб олсак, бош “шишиши”нинг олдини оламиз. Бу учун эса ҳар бир нарсага тепадан, узокдан, “объёмний” қилиб қарашимиз лозим бўлади. Мазкур суҳбатимиз шу йўлдаги уринишдир. Кетдикми?

Нега форматдан ташқари?

Чунки бу суҳбат асносида Сиз-у биз онгимизни тутқунликдан озод этишимиз, бошимизга кийгизилиб қолинган ёлғон қалпоғини ечишимиз, бизни маънавий фалажликда тутиб турган форматлардан қутулишимиз лозим бўлади. Кўзни олиб қочмасдан, ҳақиқатнинг кўзига тик қараб, суҳбат қурмоғимиз керак бўлади.

Бу суҳбат – бир неча аср аввал қилинмай, қолиб кетган ва, натижада, ўша бир неча аср бой берилган, суҳбат. Ўз вақтида халқнинг оқиллари машварат этиб, ҳолатни очикчасига бир-бирларига изҳор этиб, ҳақни ёритишдан ожиз қолишиб, оқибатда миллат зулмат ичра қолиб кетган, суҳбат.

Тарихнинг айнан ўша пайтида ва айнан шу суҳбат асносида, “биз киммиз?”, деган саволга жавоб бермаслик оқибатида... ўзлик йўқотиб қўйилган, суҳбат...

Суҳбатбоши

Аввал эътиборингизни бир хабарга қаратмоқчиман!!

Россиянинг Краснодар шаҳрида давлат мансабида бўлган бир аёлнинг эри ўз дала ҳовлисида ўзбекистонлик меҳнат



БИЗ КИММИЗ? ЁХУД ФОРМАТДАН ТАШҚАРИ СУҲБАТ

муҳожирларини қул қилиб улшаб турганлиги ва ҳатто айримларини ўлдирганлиги хабари тарқатилди.

Айнан бу хабарнинг нечоғлик ҳақиқат эканлиги мавҳум бўлиб турибди, аммо ҳозир мен бошқа саволни ўртага қўймоқчиман – Сиз-у биз бундай хабарларни ўқиганда нимани ҳис эътиямиз? Тўғриси айтинг, бундай хабарларни ўқиганингизда нимани ҳис этасиз? Бирозгина ачинасиз-у, икки сониядан сўнг унутиб юборасиз, шундайми? Ҳа, биз бундай хабарларга кўникиб қолдик...

Энди бир тасаввур этайлик.

Айтайлик, Япония давлатида ахборот воситаларидан бири япон фуқаролари бошқа бир давлатда қул қилинганлиги, бир нечтаси эса ўлдирилганлиги хабарини

тарқатди... Кейин нима бўлишини гапириб ётмаймиз – сўзни қисқа қиламиз.

Энди, келинг, кўзни кўзга қаратиб... бир-биримизга савол қўямиз...

Биринчи қисм. БИЗГА НИМА БЎЛДИ, ЎЗИ?

Бундай ҳолатга тушиб қолганимизнинг, албатта, объектив сабаблари бор. Вазифамиз – максимал объектив нигоҳ ташлаб ўша сабабларни топиб олишга уриниб кўриш. Бу таҳлилнинг муваффақияти иккиламчи, оқибат бўлган нарсалардан четланиб, сабабларнинг мағизи бўлган нарсаларга қанчалик юзланишимизга бевосита боғлиқ

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

бўлади. Хулоса шуки, ўта қийин ва мураккаб кўринган бу ишимизни осонлаштирувчи асбоблар бор, булар – қолип тушунчалардан воз кечиш ва ҳолатни борича эътироф этиш. Аввало қилишимиз керак бўлган нарса...

Анамнез

Духтирлар касалликни аниқлаш мақсадида беморга назар ташлашади, ҳолатини ундан сўраб-суриштиришади. Бу нарса анамнез дейилади. Келинг, биз ҳам шу ишни қилайлик!

Бизга ёпишиб қолган хусусиятларимизни бирма-бир тилга оламиз:

-Лоқайдлик, бепарволик, шижоатсизлик.

-Воқеъликни, дунёда бўлаётган жараёнларни ҳис этмасдан яшашимиз.

-Юксак мақсадларни эмас, балки энгил-елпи мақсадларни олдимизга қўйиб яшашимиз.

-“Эҳ, бир гап бўларда!” режимида ҳаёт кечиришимиз.

-Бир ишнинг олдидан режа тузишга ҳафсаланинг йўқлиги.

-Хайратланарли даражадаги БЕФАРҚЛИГИМИЗ. Бу жаноб, яъни бизнинг БЕФАРҚЛИГИМИЗ, ўта серкиррала, кенгқамровли, вужудимизни энасининг уйи қилиб олган, жанобдир. Унинг кўринишлари ўта бой: остонамизда уюлиб ётган ахлатга нисбатан бефарқлигимиздан тортиб Ватан равнақи, миллат бирдамлиги, каби ибораларга, миллатдошларимиз ҳақидаги ачинарли хабарларга нисбатан бефарқлигимизгача.

-Ватан келажаги тугул ўз фарзандларимизнинг келажагини мутлақо тасаввур этмаслигимиз.

-Фарзандларимизнинг ғамини ўзимиз эмас, кимдир четдан туриб ейиш даражасигача бориб етганимиз.

-Миллий шахсиятимизга нисбатан ва умуман миллатимиз шаънига нисбатан бепарволигимиз.

-Ва ҳоказо...

Киши бошига тушадиган турфа дардлар бор. Уларнинг аксари инсоннинг жисмини бемор қилади-ю, шахсига таъсир этмайди. Аммо шундай дардлар борки...

АМНЕЗИЯ

Амнезия деган касаллик бор. Бунда киши билан нимадир содир бўлади-ю, ўтмишини ва ҳатто кимлигини унутиб қўяди. Ўтмишда

эришган ютуқлари, орттирган обрўи – барча-барчасини унутади. Шахсияти бузилади.

Бу ҳолатидан “гаранг” бўлиб қолган одам, табиий-ки, воқеъликни англашдан йироқ бўлади ва, энг ачинарлиси, шаънини ҳимоя этолмай қолади. Зеро... шаънини унутган бўлади.

Амнезия бир кишида содир бўлишининг ўзи ачинарли ҳол. Аммо у бир миллатнинг бошига тушса...

Амнезиянинг, яъни инсонда хотира йўқолиб қолишининг, бирламчи белгилари, бу –

-ўзлигини йўқотиб қўйган бундай одамнинг ҳаёли паришон бўлиб қолиши;

-атрофга бефарқ бўлиб қолиши;

-ўз-ўзига бефарқ бўлиб қолиши;

-бирон ишни тартибли равишда божаролмай қолиши;

-бирон ишни етук даражада, аъло даражада қилишга сабри етмаслиги;

-режа тузишга лаёқатсиз бўлиб қолиши;

-“эҳ, бир гап бўларда!” режимида ҳаёт кечириши;

-шижоатсизлик;

ҳамда:

-шаъни топталишига бефарқ бўлиб қолиши;

-наслига нисбатан бефарқ бўлиши (болалари мардикор бўлиб қолаётган бўлса ҳам, келажаги кўримсиз кўринаётган бўлса ҳам “пинаги бузилмайдиган” бўлиб қолиши);

-унинг болаларини ташвишини ўзгалар қилиши;

-буюк маънавий тушунчалар – маърифат, ҳаёт мазмуни, Ватан равнақи, илму-ирфон, кабиларнинг ўрнини примитив инстинктлар ва тубан ҳою-ҳаваслар эгаллаб олиши;

-ва ҳоказо.

Сизга булар ниманидир эслатмадимми?

Ҳа, мўъжазгина таҳлилимиз шуни кўрсатапти-ки, бизга ёпишиб олган салбий, бизларни кўримсиз ҳолатга келтириб қўйган хусусиятларимиз айнан **БИЗНИНГ РУҲИЙ-МАЪНАВИЙ ПАТОЛОГИЯМИЗ – МИЛЛАТ МИҚЁСИДА УЧРАГАН АМНЕЗИЯМИЗНИНГ – СИМПТОМЛАРИ, ХОЛОС!** Биз учраган энг оғир дард шуки... биз кимлигимизни унутиб қўйдик...

Ана холос – пишди гилос...

Аҳволимизнинг сири бироз очилгандай бўлди, шундай эмасми? Патологик, хайратланарли

даражадаги бефарқлигимиз, “миллат келажаги” каби сўзларни эшитганимизда эснашимиз, нақд остонамизда йиғилиб ётган ахлатларимизни йиғиштирмаслигимиз, бир ишни бошлашдан аввал режа тузишдан эринишимиз... ва ҳоказо “хусусият”ларимиз замирида... **УЛКАН** бир нарсани – **ЎЗЛИГИМИЗНИ** – йўқотиб қўйганимиз ётади. Нега йўқотилган нарсани **УЛКАН** деяпмиз?...

Нега УЛКАН?!

Бутун бошли ЦИВИЛИЗАЦИЯНИ олдинга силжитган, инсоният тарихида бурилишни таъминлаб берган ўзлик – **УЛКАН** ўзлик эмасми? Самовий таълимотни тадқиқ этган, шунинг асносида дунёни илмга тўлдирган, адашганларни тўғирлаб қўйиш салоҳиятига эга бўлган, вандал-у варварларнинг ҳолини тузатган ўзлик – **УЛКАН** ўзлик эмасми? Яратган ато этган бундай неъматни йўқотиб қўйиш эса – **УЛКАН** йўқотиш эмасми?

Иккинчи қисм. ЯПОНИЯ ҚАНДАЙ РИВОЖЛАНДИ?

Бош мавзудан бироз чекиниш қиламиз. Нима учун? Ҳолатга тепадан қараш учун. Ушбу “тепа” деганимизни нафақат маконга, балки вақтга ҳам тадбиқ этиб, “объёмный” манзарани ҳосил қилишга уринамиз.

Нега Япония? Шунчаки – хаёлга келгани.

Японлар ким-у, биз киммиз?

Халқларни таққослаш кўпол ва кўримсиз иш, аммо, баъзида, ўзлигини унутиб қўйган халқ учун фойдаси бордек. Уша биз мисол қилиб олган япон халқи билан ўзбек халқининг дунёга улашган яхшиликларини, сал бўлсада, эслаймиз. Нима учун? Ўзимизнинг бошқалардан устунлигимизни таъкидлаш учунми? Йўқ! Бунинг учун эмас. **ИЛМЛАРНИНГ БЕШИГИ БЎЛГАН ЮРТДА ЯШАБ КЕЛАЁТГАН, ДУНЕГА УСТОЗ БЎЛГАНЛАРНИНГ МЕЪРОСҲҲҲРИ БЎЛМИШ ХАЛҚ ЎЗЛИГИНИ БАТАМОМ УНУТИБ ҚЎЙИБ, ДУНЕГА НУР УЛАШИШДЕК УЛКАН МИССИЯСИНИ БАЖАРМАЙ ҚЎЙГАНЛИГИНИ ТАЪКИДЛАШ УЧУН.** **ИНСОНИЯТ ДУНЁҚАРАШИНИ БУТКУЛ**

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ЎЗГАРТИРИШ КУЧИГА ЭГА
БЎЛГАН УЛКАН ИЛМИЙ-
МАЪНАВИЙ ЗАҲИРАНИ
ФОНДЛАРИДА САҚЛАБ
КЎЙИБ, ЎЗИ ЭСА БОШҚА
МИЛЛАТЛАРНИНГ ҚОРА
ИШЛАРИНИ ҚИЛИБ
ЮРИШДАН БОШҚАГА ЯРАМАЙ
ҚОЛГАНЛИГИНИ ТАЪКИДЛАШ
УЧУН.

Японияда илм

Японияда илмнинг жадал ривожланиши 20 асрда бошланди, десак, муболаға қилмаган бўлаемиз. Қандай қилиб? Оддий – илм уларга Европдан кириб келди. Бўлди, фильм тугади.

Европа илми каердан олди?

Антик давр (Арасту ва бошқаларнинг даври) тугагандан сўнг Европа китъасида илм-маърифатнинг “дафтари ёпилди”. Шунчалик ёпилдики, бу пайтларда Европада умргузаронлик қилган халқларнинг эски номлари жоҳиллик, кароқчилик, бузиб-синдириш тушунчаларининг синонимлари сифатида лўғатларда муҳрланиб қолди. (Варвар, вандал сингари бу сўзлар ҳалигача истеъмолда) Бу даврлардаги Европанинг “илмий салоҳияти” даражаси маълум ва машхур. Кейин Европа қироллари насроний динини қабул этишди ва бироз тартибли ҳаётга юз тутишди. Аммо дунёга ИЛМИЙ назар ила қарашдан ҳали йироқ эдилар. Зеро католик черкови илми сеҳргарликка тенглаштирди ва алал-оқибат дин ва илм бирига зид, деган мафқурани ИНКВИЗИЦИЯ ила қарор топтирди. Айнан шу пайтда...

Айнан шу пайтда бизнинг жонажон заминимизда бизнинг боболаримиз ҳозирги замон ИЛМИНИНГ фундаментал асосларини ишлаб чиққан эдилар. Бу қилинган улкан ишларнинг тавсифини ва ҳатто саногини (!) қилишнинг имкони йўқ. Илм олиш миллатнинг ғоясига айланган ўша даврдаги ҳолатни тасаввур этиш учун фақат бир мисол келтираемиз, холос. Юртимизга ўша пайтларда келган бир саёҳатчи дафтарига “бу халқ ёппасига, ёш-у кексаси, илм масканларига қатнайдиغان халқ экан!”, деб ёзиб қўйган экан...

Европа китъасининг ўзида эса саккиз аср давомида гуллаб яшнаган, юксак илму маданияти ила машхур бўлган, мусулмонлар

барпо этган Андалус давлати ҳам бор эди... Шундай қилиб Европанинг “уйғониш даври”, деб тилларда дoston этиладиган жараёнга... бизнинг юртдан ва Андалусдан борган илмий китоблар сабаб бўлди.

Иқтибос:

XII-асргача Европада лотин тилидаги илмий адабиёт мавжуд эмас эди (бу дегани умуман илмий адабиёт бўлмаган, дегани – муаллиф). Бироқ X—XI асрларда баъзи қизиқувчан европаликлар арабларнинг (мусулмонларнинг, деб ўқисак тўғрироқ бўлади – муаллиф) йирик илмий марказларига... зиёратга боришар эди. У ердан улар араб тилида ёзилган қимматли китоблар билан қайтишар ва дарҳол уларни лотин тилига таржима қилишарди. Бироқ арабча илмий китобларни, хусусан қадимги юнон олимларининг китобларини, жадал равишда араб тилидан лотин тилига таржима қилиш XII асрда бошланди. (Википедиядан. Русчадан таржима)

Шу тариқа Европада илм пайдо бўлди ва жадал ривожлана бошланди. Алал-оқибат, 20 асрга келиб, илмдан японлар ҳам баҳраманд бўлишди...

ДЕМАК...

Хулоса қилишимиз мумкинки, агар миллат ўз юксак маънавий парадигмасини (белгилловчи асосини) йўқотиб қўйса, бу миллатнинг руҳияти чуқур инқирозга юз тутиб, маънавий-психологик бузилишга – конструкцияга учрайди. Шу билан бирга миллат қанчалик юксак маънавий базисга эга бўлган бўлса, уни йўқотиб қўйиш натижасида шунчалик қаттиқ асоратларга гирифтор бўлади.

Амнезиянинг чуқур сабаблари

Улкан, оғир нарсани кўтариб юриш – қийин иш. Уша юк жисмий нарса бўлса, уни кўтариш учун жисмоний куч керак. Маънавий бўлса-чи? Маънавий юкни кўтариш учун миллат авваламбор ўша – ўзини маънавий юксакликка кўтарган – БОШ ОМИЛНИ маҳкам ушлаши, қўйиб юбормаслиги лозим, деган мулоҳазани қилсак бўлади. Зеро, айнан ўша БОШ ОМИЛ... барча қувватларнинг манбаи, шакллантирувчиси бўлиб хизмат қилган бўлади. БОШ ОМИЛНИ эътибордан қочириш НАТИЖАСИДА калаванинг учи йўқотиб қўйилади ва, алал оқибат,

МАЪНАВИЙ ПЛАТФОРМА бой берилади. Бунинг кетидан миллатнинг бошига кенгқамровли инқироз тушади ва, охирида, амнезияга юз тугилади.

Учинчи қисм. БОШ ОМИЛ

Мадомики халқимизнинг ўтмишдаги эришган юксак мақомларининг бош омили бўлган экан, эндиликда ўша юксакликка қайтишимиз учун уни яна қайта тадқиқ этишимиз, уни яна “ушлашимиз” лозим бўлади. Қуйида шу тўғрида мулоҳазалар.

Илм ва маърифат соҳаларида “шип-шийдон” бўлган қадим юртимизга Ислом НУРИ кириб келди-ю, ҳолат ўзгарди. Нима нарса эди, ўзи бу – НУР?

Нур

Кишининг дунёқараши – ўша киши шахсиятининг тузилишидир, конструкциясидир.

Бу конструкция қинғир-қийшиқ бўлса, бундақа шахсият атроф дунёни ўз қийшиқ дунёқарашига мувофиқлаштиришга ҳаракат қилади. Яъни, унинг дунёга таъсири бузгунчиликдан иборат бўлади. Конструкция тўғри бўлса эса, кишининг ҳаракатлари атрофни тузатишга, атроф билан уйғунликда яшашига омил бўлади.

Конструкциянинг созлиги – ақлнинг соғлом тарзда ишлатилаётганидан, бузуклиги эса – ақл хор этилганлигидан дарак.

Бузук дунёқараш – ақлсизлик – ҳар бир нарсанинг заволига, нарсаларни асл яратилиш мақсадидан ўзгача истифода этилишига, фойда қолиб зарар қасб қилиниши омилидир. Дунёнинг ҳозирги аҳволи бунга мисолдир.

Аммо бу – масаланинг ташқи, кўзга кўринган тарафи. Кўз кўришга ожиз бўлган дунё ҳам бор. Бу латиф дунёга нисбатан бузук дунёқарашнинг – ақлсизликнинг – таъсири яна ҳам жиддий экан.

Бузук дунёқарашнинг кўзга кўринмайдиган “нағзамат”и шундай эканки, унинг таъсирида дунё – еру осмон – ЛАРЗАГА КЕЛАР ЭКАН! (Мўъминун сураси, 71-оят ва яна бошқа оятлар ҳам бор). Ақлсизликнинг офати, ақлсизликнинг кулфати шунчалик оғир экан!

Ўзи ясаб олган бутга ёки ўзи каби одамга топиниб, ундан бахт-саодат тилаган инсонни кўз олдимизга келтирайлик. Ўтакеткан ақлсизлик

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

манзараси, шундай эмасми? Динимизда бу манзара ШИРК, деб номланиб, ЭНГ катта зулм сифатида тилга олинади. Яъни, ақлсизлик зулм, деб, энг катта ақлсизлик – энг катта зулм, деб эътироф этиляпти. ШИРКнинг ақлсизлик даражаси шунчалик улкан эканки, ШИРК содир этувчининг ички конструкцияси шу даражада бузук бўлар эканки, унинг таъсиридан еру-осмон парчаланиб кетишга таёр бўлиб қолар экан! (Марям сураси, 90-91 оятлар ва яна бошқа оятлар ҳам бор).

Энди ақлини ишлатмаётган бутун бошли бир жамиятни тасаввур этайлик! Бундай жамиятда зулмнинг каттасидан тортиб майдасигача – ҳаммаси гуллаб яшайди.

Ўзининг асосида қийшайиб кетган бундай дунёқарашни ўша асосини тўғирламаса тузалмайди. Зулматлар ичида қолган бундай дунёқарашнинг зулматини, табиийки, фақат... нур ёрита олади.

Бундай нур бўлиб, тузатувчи бўлиб, ақлларни жойига келтирувчи бўлиб, барча қувватлар ва шижоатларнинг манбаи бўлиб, ривожланишнинг ўша БОШ ОМИЛИ бўлиб юртимизга келган нарса – Қуръони карим, Ислом дини бўлган эди. Кейинчалик, бир пайтар келиб, маҳкам ушланмаган, безътибор қолган илоҳий дастур. Новадация эмас, балки консервация учун дастак қилиб олиш натижасида йўқотиб қўйилган илоҳий дастур.

Тўртинчи қисм. АМНЕЗИЯ ВА УНИНГ ЧОРАЛАРИ**Аввало...**

Аввало, миллат миқёсидаги амнезияга учраганимизни тан олмоғимиз лозим.

Кейин ҳолатимизга, “уст-бошимизга” бир қараб боқмоғимиз керак.

Айнан шу икки нарсанинг ўзиёқ учраб турган ҳолатимиз нотўғри эканлигини, шаънимизга асло тўғри келмаслигини англаб олмоғимиз учун ЕТАРЛИ БЎЛАДИ.

Хотирамизни жойига қайтариш ишини эплаб, ўзимизни ўзимиз алдамаган ҳолда, амалга оширишимизнинг ўзи онгимизда ИНҚИЛОБИЙ ўзгаришни содир этишига ҲЕЧ ҚАНДАЙ ШУБҲА ЙЎҚ.

Бунинг учун...

Бор ҳақиқатни эътироф этмоқ, ҳолатни борича тан олмақ зарур.

Бошланғич вазибаларидан бири – моддиятни тузатиш. Мамлакатнинг иқтисодий потенциалига объектив баҳо берилмоғи, нимада устунмиз-у, нимада нуқсонлимиз – ҳаммасига очиқ-ойдин баҳо берилмоғи керак. Иқтисодий соҳада кўзланадиган тадбирлар шунчаки аҳолини иш билан таъмин этиш эмас, балки ҳар бир фуқарони юксак савиядаги шахс бўлишига, “қул эмас, бек бўлиши”га интилишимиз керак. Бу тўғрида қуйидаги мақолаларда фикр юритилган:

<http://kun.uz/news/2017/05/27/uzbekistonda-iktisodij-iztimoij-faol-katlamni-uzaga-keltiris-rakamlar-muloaza-va-musoada>

<http://kun.uz/news/2017/05/28/uzbekistonda-iktisodij-iztimoij-faol-katlamni-uzaga-keltiris-rakamlar-muloaza-va-musoada>

Мазкур мақоланинг якунида “кейинги босқичда эса устивор мақсад этиб ТАЪЛИМ СОҲАСИНИ ривожлантириш белгиланади. Бутун эътибор фарзандларимизни илми килишига йўналтирилади...” деб урта нуқта қўйилди. Чунки асл мақсад...

Асл мақсад

Ҳозирда халқларнинг излаб юрган ва, аммо, тополмай овора бўлаётган нарсаси, бу – миллий ғоя. Моддий фарвонликни миллий ғоясига айлантирганлар, ўз истаган нарсаларига эришгач, эндиликда маънавий бўшлиққа юз тутдилар. Йўл тугаб, ўзлари белгилаган охири бекатга етиб келдилару, у ёғига қаёққа боришни билмаяптилар. Инсоннинг моҳияти, ҳақиқати моддият эмас, аввало руҳият эканлигини унутгандан кейин шундоқ ҳам бўлади!

Моддият асл нарса эмас, балки руҳиятга хизматкор эканлигини, моддиятни тўғри тасарруф этмоқ учун руҳият қонунларига шаксиз риоя этмоқ кераклигини билдириш ислом концепциясининг узвий қисмидир. Аммо, бу ҳали ҳаммаси эмас. Моддият ва руҳият тўғри ният воситасида мулоқотга кирганда оламшумул ҳодиса – “савоб” деб ном олган трансцендент нарса юзага келишини Ислом таълимоти инсониятга очиқ бериш учун ҳам келди.

Ўз навбатида буни илмий қилиб асослаб, дунёга тақдим қилиш – айнан бизнинг миссиямиздир. Мен бунга ишонаман. Воқеълик

НЕГИЗИДА ётган қонуниятлар тизимини ўзида мужассам этган, аммо, маълум кўринишда форматланган ҳозирги инсониятнинг онгига етиб бормай турган таълимотнинг тадқиқини янги поғонага чиқариб, янги мақомда дунёга тухфа этиш – айни бизнинг ишимиз. Бир марта бу ишни қилиб берган миллат кейинчалик ўз миссияни унутиб ўзини хор қилди. Аммо бу дегани бу миссия унинг эгидан олиб ташланди, дегани эмас.

Комил ишонч ила шуни айтишимиз керакки, ҳозирда миллатимиз ўз потенциалида ухлаб ётган вулқон кабидир. Бу миллатнинг уйғониб ўз аслий миссиясига қайтиши дунёни реформация қилиш салоҳиятига эга ҳодисадир.

Моддиятнинг тузатишга йўналтирилган ислохотларимизнинг туб маъноси, бошқаларга ўхшаб, “бу дунёда мазза қилиб яшаш” (ва, оқибатда, инқирозга учраш) учун эмас, балки бизнинг иқтисодий-ижтимоий ислохотларимиз келгуси авлодимиз том маънодаги ШАХСЛАРдан иборат жамият бўлиб етишишини кўзламоғи лозим. Ислохотларнинг ҳар бир унсури ўз моҳияти ила ҳар бир шахсда ШАХС сифатларини уйғотиш ва, алал-оқибат, ўз навбатида улар ўз фарзандларини ШАХСлар этиб тарбиялашининг мўлжалини олиши керак.

Зеро...

Зеро, келгуси авлодимиз яқин келажакда илмий захираларимизни тадқиқ этиб, дунёга дунёқарашнинг янги парадигмасини инъом этиши лозим. Маънавий ресурслари тугаб битаётган инсониятга мутлақо янги, моддият ва руҳиятнинг уйғунлигига қурилган, маънавий концепцияни тухфа этмоғи лозим.

Сухбат охири (?)

Маълум бўлаётгани, йўлимиз жўн ва юзаки қадамларни тан олмайди. Йўлимиз тиниқ ақл ва юксак мақомда жўшган қалбимизни талаб этади. Йўлимиз ҳозирга эмас, уфққа юзланишимизни, туришимизни эмас, юришимизни тақозо этади. Йўлимизнинг манзили ёруғ ва кўркамдир! Юрса арзийдиган, пешона терини тўкишга-ю, қалб кўрини беришга арзийдиган йўлдир!

Шокир Шарипов



Ўзбеклар ҳали ҳам арзимаган нарсалар устида фаол!

Йил бошидан, яъни январдан бошлаймиз. Бизнинг йилимиз ҳар доим бир хил. Февралда валентин куни, мартда 8 – март, наврўз, кейин рамазон бошланиши ва тугаши устида баҳслар. Мавлуд ҳақида баҳслар ва ҳоказо... йилни янги йил устида баҳс билан тамомлаймиз. Ҳар баҳор шу бўлар такрор. Энг қизиғи, жонимизга ҳам тегиб кетмайди. Бир лентани айлантираверамиз. Дунёда учадиган машина яратяпти. Бизни эса муаммоларимиз, баҳсларимиз ўзгармайди.

Ҳайит масаласида жумҳур уламоларни фатволари келтириб берилди. Ана энди, ё шунга қаралинади, ёки қалбга қараб рўза тутилмайди. ИншаАллоҳ иккала ҳолатда ҳам гуноҳкор бўлмайди.

Бўлди, шу билан тугатиш керак мавзунини. Ёки муаммони аниқ бир ечимини таклиф қилиш керак, агар мақсад ҳолис бўлса.

Бир масала устида ўраллашиб юравермай, ундан долзарб бўлган мавзуларда ҳам мана шундай жонкуяр бўлайлик.

Масалан оддийларидан бошлайман:

1) Ўзбекистонда қанча-

қанча одамлар (мусулмонлар демайман) рўза тутади лекин намоз ўқимайди.

Бу нарсани аниқ айтяпман, сабаби 5-6 кун аввал бир чойхонада ифтор қилишга тўғри келди. Таҳминан юзга яқин одамдан ўн уч киши шом намозини ўқиди. Ваҳоланки, чойхона эгаси намозхона барпо қилиб қўйган экан. Ана шундайларга намоз ўқимасликни ҳукми нима эканлигини ҳамма шу ҳайитни устида баҳс қилиб турганлар алоҳида-алоҳида мақола қилиб ёзсин.

2) Аёлларни сатр авратсиз кўча-қуйда бемалол юриши.

Ҳамма бирдек, ушбу кийимли яланғочларга қарши ҳаракат қилишини, мен, сиз ва бошқалар, яқинларимизни, ҳа, айнан яқинларимизни сатрсиз кўча кўйда юришларига қаршилиқ қилайлик. Бундай дейишимга сабаб, ўзимизни опа-сингилларимиз ёки қизларимиз ҳижобда бўлиши мумкин... лекин ҳаммамизни қариндош уруғларимизни, қўни-қўшниларимизни ичида ярим яланғочлар топилади. Ана шуларни ўзига эмас, ўшаларни

дадалари, ака-укалари, амаки тоғаларига айтиб, уялтириб шу муаммони ўнгласа бўлади. Мана шу масала устида ҳайитни баҳс қилиб турганлар алоҳида-алоҳида мақола қилиб ёзсин.

3) Ночорларга ёрдам бериш.

Бир шаҳарда демайман, қариндош-уруғ ёки қўни қўшни ичида тўйиб овқат ея олмай, яхши уст-бош қия олмай турганлар бўлсаю, сизу-биз бепарво бўлсак дуруст эмаслиги тўғрисида ҳам, шу ҳайитни устида баҳс қилиб турганлар алоҳида-алоҳида мақола қилиб ёзсин.

4) Яқинда «боровский» коллежини ўқувчиси уриб ўлдирилганига фейсбук фаолларини кескин фикрлари, айбдорларни жазолаш кераклиги ҳақида ҳамма бир ёқадан бош чиқаргани натижасини берди. Шу петиция орқали нималарга эришиш мумкинлиги ойдинлашди. (Ўша ишда ким айбдор экани бошқа масала) Бунга гапиришдан мақсадим, шунчалик журъатли эканмиз, нимага дини учун ноҳақ қамалганлар, қамоқлардан калтаклар оқибатида ўлиги келаётган мусулмонлар учун худди шундай петициялар уюштира олмаймиз. Бу арзимас масала эмаску? Қани, мана шу тўғрисида ҳайитни устида баҳс қилиб турганлар алоҳида-алоҳида мақола қилиб ёзсин. Бир инсонни ўлимига бефарқ бўлмаганлар ўн минглаб инсонларга бефарқ қараб туриши абсурт эмасми?

Мен тўрттагина, бажаришимиз мумкин бўлган муаммони айтиб ўтдим. бундай муаммолар юзлаб, минглаб қалашиб ётибди.

Тушиб кетган чуқуримиз жуда ҳам чуқур! Ундан аста секинлик билан, битта-битта зинапоя ясаб чиқиш мумкин, биттада сакраб чиқа олмаймиз. Чиқишга ҳаракат қилмасак, юз йил ўтиб ҳам шу масалалар устида болаларимиз баҳслашиб юрган бўлади.

Sayyid Islom
facebook.com

Ўзбекистон Марказий банки бошқаруви 28 июндан бошлаб қайта молиялаш ставкасини йиллик 14 фоизгача кўтариш тўғрисида қарор қабул қилди. Озодлик суҳбатлашган молиячилар, бу ҳаракатни ҳам Ўзбекистонда валюта эркин конвертациясини жорий қилиш йўналишидаги навбатдаги қадам сифатида баҳоладилар.

Марказий банк тижорат банкларига берадиган маблағ учун тўланадиган устама фоиз даражасини 24 июнь куни аввалги 9 фоиздан 14 фоизга чиқарди.

Бу эса, Озодлик суҳбатлашган молия тизими мулозимларига кўра, кейинги 15 йил ичида Ўзбекистон Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасини биринчи марта кўтаришидир. Айтилишича, аввалги раис Файзулла Муллажонов даврида инфляция даражасини сунъий равишда пасайтириш сиёсатини тутган Марказий банк, кейинги йиллар давомида бу ставкаларни фақат камайтириб келган.

Марказий банк ўз расмий сайтыда эълон қилган баёнотда “мазкур қарорнинг қабул қилиниши жорий йилнинг ўтган даврида инфляция суръатларининг тезлашиши ҳамда инфляцион хатарларнинг ортишини чеклаш бўйича чораларни кучайтириш заруриятининг юзага келганлиги билан изоҳланди”.

Озодлик билан суҳбатда Молия вазирлигининг собиқ мулозими Сапарбой Жубаев, бугунги реал вазият ставкаларни ошириш заруратини туғдирганини айтади:

– Ҳозир Ўзбекистонда нарх-наво ўсиб кетаяпти, яъни инфляция кучайиб бормоқда. Нархларнинг ўсиш сабаби эса, иқтисодда пулнинг кўпайиб кетиши билан боғлиқ. Иқтисоддаги пулни камайтириш учун ставка оширилаяпти. Масалан, ўтган ойларда одамлар 15 фоизга югуриб бориб кредит олган бўлса, энди 20-25 фоизга олишдан олдин ўйлаб кўради. Корхона ёки тижоратчиларнинг кўпи, буни қандай тўлайман, деб олмай қўя қолади. Бундай вазиятда, назарияга кўра, иқтисоддаги пул миқдори камайиб, инфляция даражаси пасая бошлайди, – дейди ўзбекистонлик молиячи, Остонадаги Евроосиё иқтисодиёт университети доценти Сапарбой Жубаев.

Озодлик суҳбатлашган айрим мутахассислар, Марказий банкнинг бу ҳаракатини инфляция баробарида хорижий валюталар

Судхўр банк

расмий курси ҳам муттасил ўсиб бораётган ҳозирги шароитда қабул қилмасликнинг иложи бўлмаган қарор сифатида баҳоладилар.

Исми келтирилишини истамаган ўзбекистонлик банк ходимларидан бирига кўра, “бундай шароитда ставканинг оширилмаслиги девальвациянинг қатор эффектларини йўққа чиқариши, асосийси, хўжалик субъектларининг спекулятив мақсадларда кредит талабини каррасига ошириб, истемол товарлари бозорида юқори инфляция босимини яратган бўлар эди”.

Ижтимоий тармоқларда фикр билдирган айрим мутахассисларга кўра, Ўзбекистон Марказий банкининг 27 июнь куни сўмнинг хориж валюталарига нисбатан расмий курсини 20-25 фоизгача ошириши кутилмоқда. Экспертлар, бу эҳтимолий ҳаракатни ҳам мамлакатда валюта эркин конвертацияси жорий этиш олдидан мавжуд бир неча курсни бирлаштириш йўлидаги навбатдаги қадам бўлишини тахмин этмоқда.

Аҳоли ва тадбиркор шу пайтгача олган кредитига қўйилган фоиз ошадими-қоладими?

Марказий банк қайта молиялаш ставкасини ошириши ортидан, экспертлар изоҳича, аҳоли, тадбиркор ва корхоналарнинг тижорат банкларидан оладиган қарзи ставкаси ҳам, камида 6-10 фоизга ошади ва ҳозиргача 9-16 фоизлик ставкада берилган кредитлар, 28 июндан 20-25 фоизга кўтарилади.

Марказий банк қароридан кейин очик қолаётган савол, ставкаларнинг ошиши 28 июндан кейин расмийлаштирилмайдиган кредитларгагина тегишли бўладими, ёки банк бошқаруви ҳозиргача тузилган барча шартномани қайта кўриб чиқиш ҳақида буйруқ берадими, деган саволдир.

Озодлик суҳбатлашган айрим мутахассислар, бу борада “шоковая терапия” йўлидан бориб, Марказий банк шартномаларни ёппасига қайта кўриб чиқишга қарор қилиши мумкинлигини билдирди.

Айни пайтда, Ўзбекистон банк тизими расмийларидан бири, Марказий банкнинг ҳозиргача тузилган кредит келишувидаги шартларга риоя

қилишини билдирди. “Агар кредит шартномасида фоиз ставкаси фиксидланган (аниқ белгиланган) кўринишда қайд этилган бўлса, ўша фоиз ставкаси белгиланган муддат ичида ўзгаришсиз қолади. Лекин, агар кредит шартномасида фоиз ставкасини белгилаб, унга қўшимча равишда ёнига қайта молиялаштириш ставкаси ўзгарган ҳолатда фоиз ставкаси ҳам ўзгаради, деб ёзилган бўлса, яна фоиз қайта молиялаштириш ставкасига боғланган бўлса, унда ўзгаради, яъни бугунги шароитда, фоиз ошади. Ҳаммаси кредит шартномасидаги шартларга боғлиқ”, деди ўзбекистонлик банкирлардан бири.

Озодлик суҳбатлашган банк ходимларига кўра, Ўзбекистонда иккала шарт билан тузилган кредит келишувлари мавжуд ва шу боис, кредит олган аҳоли ва корхоналарнинг қарийб ярми, бундан кейин қарзи учун қимматлашган ставка тўлашга мажбур бўлади.

“Буошиш, ёшоилаларга берилган ҳар хил кредитлар, хусусан, ипотека қарзларига тегишли. Шу пайтгача улар, очиғи, мазза қилиб келган. Чунки қарийб 13 йилдан бери қайта молиялаш ставкаси фақат пасайтириб келинди. Шунинг учун ваҳима қилишга ҳожат йўқ, зотан, 14 фоизлик ставка ҳам, ҳозирги шароитда жуда катта эмас. Марказий банк бошқаруви ҳар уч ойда бу ставкаларни муҳокама қилади ва мабодо вазият ўзгарса, бу ставкалар пасйитрилиши ҳам мумкин”, дейди Озодлик суҳбатлашган банк ходимларидан бири.

Шавкат Мирзиёев президентликка келганидан сўнг чиқарган қарорларидан бири аҳолини тадбиркорликка рағбатлантириш ва тадбиркорлар ҳақлари, хусусий мулкни ҳимоя қилиш мақсадида уларга кредит бериш шартларини соддалаштириш ҳақида бўлди. Бунинг ортидан жорий йил бошида банк ходимлари уйма-уй юриб, одамларни паррандачилик, лимончилик ва чорвачилик учун 9 фоизлик имтиёзли кредит олишга даъват қилган эди.

Аммо, бу жараён бошланганидан кўп ўтмай, тижорат банклари ўз ресурсларининг тугаб қолгани сабаби билан кредит беришни тўхтатишга мажбур бўлди.

Манба: “Озодлик” радиоси

«Нега доим имомларни гапирасиз?», «Сизга имомлардан бошқа мавзу йўқми?», «Дин душманлари имомларни гапиреди, сиз уларга шерикмисиз?»

Мен доимо эшитадиган, қайта-қайта дуч келадиган сўзларим. Шундай сўзларни эшитганда доим ортимга назар соламан ва бугунимга қарайман. Мендан имомларга муҳаббат қилишни сўрашади. Имомлар ҳақида гапирмасликни айтишади. Кеча ва бугунимни солиштириб бу мавзуга қайта ва қайта тўхталишга мажбур бўлавераман. Нима учун? Ҳақли савол. Яқин ўтмишимизда гувоҳи бўлган хотираларим билан ўртоқлашсам. Мавзу бир оз чўзилиб кетса, кимнидир қимматли вақтини олсам узр сўрайман.

Хуллас, бошқа шаҳардан бошламоқчиман. У ердаги энг катта масжид. Ўша масжидда анча йиллар имомлик қилган, халқ ичида «хожи дада», деб ном олган инсон ҳақида. У кишини барча ҳурмат қиларди. Барча у кишини дуосини оларди. Сўзида ўтқирлик, нигоҳида ҳайбат, юришида салобат бор эди. Халқ имоми бўлиб юрган инсонни бир кунда, ҳеч қандай огоҳлантиришсиз масжидга кириб келиб ишдан бўшатиб юборишди. Халққа неча йиллар хизмат қилган инсонни бир тийинга олмай, ўрнига бошқа имомни сайлаб кетишди. Ҳа, бир соат ичида ўзгартиришди. Янги бўлган имом эса сайланганлар томонидан сайланган эди. Ҳожи дадани юзига оёқ кўйган ўша имом халқ ичида «ланатуллоҳ» деган лақаб олди. Энди эса, сиз мени имомларни ҳурмат қилишга чақиряпсиз. Мен мансаб учун, обрў эътибор учун ҳеч нимадан тап тортмайдиган шу инсонни «имом» деб ҳурмат қилайми?

Энди Ўзимизга Қайтаман. Ўша пайтлар Дегрезликдаги масжид бузилмаган маҳаллар эди. Масжид ноиби замон қалтислигига қарамай болаларга дарс берар эдилар. Жуда кўп маҳалла болакайлари илм оларди. Бир куни масжидда илм олиб ўтиргандик, бирдан шаҳар бош имом хатиби кириб келдида: «домла, дарров китобларни йиғиштиринг. Қани тез турунглр. Текширув бор...», деб гапини тугатишга ҳам улгурмади. Ортидан бир гала орган ходимлари кириб келди. Ҳаммани автобусга жойлаб, олиб кетишди. Болаларни ота-онасини чақиртириб, тилҳат олиб кўйиб юборишди. Бечора домлани эса роса сарсон қилишгани ҳали



Минбарни лойиқларга беринг

ҳамон эсимда. Кейинчалик маълум бўлишича бош имом хатибимиз орган ходимларини ўзлари бошлаб келган эканлар. Мени мана шундай халқини, бродарини, ўз ҳамкасбини сотадиган имомни яхши кўришга чақирасизми?

Шаҳарнинг энг суюклик имоми бўларди. Қайси масжидга борсалар масжид гуллаб кетарди. Одамлар қаерга боришларини пойлаб юрарди. Жуда ҳам воиз инсон эди. Шу инсонни шаҳарнинг энг катта ва қадимий масжидига имом қилиб тайинлашди. Оз фурсат имомлик қилдилар. Ҳар душанба дарс ўтиларди. Ҳар куни пешиндан кейин илм мажлиси бўларди. Нечунки ғайратлик имомларимизнинг фасодлари ва фитналари туфайли гап сўз кўпайди. Чақимчиликлар, бўҳтонлар оқибатида у кишини камокқа олишди. Ҳеч қанча муддат ўтмай камокдан ўликлари чикди. Воқеани тафсилотларига тўхталмайман... билганлар, эслаганалар жуда яхши билишади. Бўҳтон тарқатган, ортидан бориб тухмат қилганлар ҳам эшлашади. Энди сиз менга шу имомларга эргашишимни буюрасизми?

Яна бир элга манзур, суюклик бўлган имом ишдан олинди. Энди у кишининг ўрнига бир ёшгина йигитча имом этиб тайинланди. «Ёш бўлса нима қилибди?», дерсиз. Ҳа, ёшига гап сўз йўқ. Лекини бор. Лекини шу эдики, биз у имом билан футбол ўйнардик ҳар-ҳарда. Имомчамиз ўз дўстлари билан бир жамоа бўлардилар. Биз ўз дўстларимиз билан. Ўйин давомида мағлубият аламидан «хе, оненгни... ошир о ж...а...» (уёғи одоб доирасидан чикиб кетади) шундай сўзларни марҳамат қилардилар. Кейин эса жума куни такво ва шариат ҳақида минбарда туриб лоф урардилар. Мен эса у имомни

ҳурмат қилишим керак эди. Чунки, имомлар светой человекларда.

Кўшним, ҳам синфдошим уйланадиган бўлди. Синфдошим жуда ҳам яхши йигит. Намоз ўқийди, такво қилади. Аммо отаси шаҳарда энг катта ҳаромхўрлардан. Спиртли ичимликлар сотиш бўйича чемпион. Оиласи қудратли оила. Бирида мед сервис, бирида заправка, бошқасида фалон пукунлар... Хуллас, дўстим ҳурмати эрталабдан бирровга чикдим. Ҳеч нима емаймиз, деб йигитлар билан келишиб олдик. Не кўз билан кўрайликки: шаҳарнинг ҳамма имомлари ўша ерда. Шаҳарда ўн бир масжид бор. У маросимда эса ўнта масжид имоми борида. Биттаси кела олмаганди. Мен ҳолатдан ҳайрон бўлиб, ўзимга яқин имом билан салом алик қилдимда: «домла, қаерга келганингизни биласизми?...» деб, ҳолатни айтиб ҳам улгурмадим. Гапни шарт бўлиб: «мана бу хурмо дарахтини кўряпсизми» – деди, дархтга ишора қилиб. «Маросим қилаётган одам мана шу хурмосини сотиб маросим қилган деб, яхши гумон қилиб, келиб, еб кетаверасиз» – деди. Қойилмисиз?

Мен жуда кўплаб бундай воқеаларни эшитганман. Аммо эшитганларимни ҳаммасини айтиб ўтиргим келмади. Тушунган одам учун ишора кифоя. Кўз ўнгимда энг такволик, энг илмли инсонлар ўрнига сайланганлар сайланди. Масжид реклама бюроси ва Аҳборот кўрсатувининг мантикий давомига айланди. Энди минбарларда ҳақ ва ҳаққа чақирув эмас ҳидоят журналининг рекламаси, пахта териш вожиблиги ва бошлиқларга дуолар янграй бошлади.

Энди айтинг?! Кўз ўнгимда минбарларга лойиқлар камокда,

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

гўрда, уйда, бир четларда туриб, хойлик қилганлар минбарга чиқса мен уларни гапирмаслигим, уларни ҳурмат қилишим керакми? «Минбарни лойикларга беринг» – деганим менинг айбимми? Мен учун ҳақиқий имомлар тугун учун маросимма маросим юрганлар, минбарларда ёлгон тўкиганлар эмас, Аллоҳдан қўриқиб вақтида имомликни бўшатганлар, гўрда ётганлар ва қамокда ўтирганлар, ёки жим турганлардир.

«Бутун дунёда аҳли илмларга қарши кураш кетяпти, аҳли илмларни обрўсизлантириш компанияси кетяпти» деб, энсамни қотирманг. Имомларни олабўжилар обрўсизлантириши шарт эмас. Улар ўзларини ўзлари обрўсизлантириб, шарманда қилиб улгуришди. Энди эса минбардан туриб кредит ҳақида сайрашни бошлашди. Ҳой, барака топгурлар, тушуняписизларми ўзи? Судхўрликни гуноҳи онаси билан зино қилганга тенглаштирилган. ОНАСИБИЛАНЗИНОҚИЛГАНГА. Минбардан туриб сизларни онангиз билан зино қилишга чақираётган имомни яхши кўра оласизларми?

Қачонгача кўр кўрона эргашасизлар? Ҳар бир соҳада яхши ва ёмон кадрлар бўлади. Яхши прокурор ва ёмон прокурор. Яхши ўқитувчи ва порахўр ўқитувчи. Имомлик ҳам бир касбга айланган мамлакатимизда. Яхши имом ва ёмон имом бўлади. Шунини тушуниб етиш учун профессор бўлиш шарт эмас, назаримда. Кимдир халқни алдаб, минбар омонатига, меҳроб омонатига хиёнат қилса «ҳой, бадбахт, жойни бўшат» дейиш керак. Имом дегани Русларни попига ўхшаган «светой человек» дегани эмас. Сизни алдаган каззоб ҳоқ минбарда турсин, ҳоқ президент столидан туриб гапирсин у каззоблигича қолади. Унга берилган унвон, унга хиёнат қилиши учун замин яратмайди.

Шу қийин шароитда минбарга хиёнат қилмай, қўлидан келганча халққа ва динга хизмат қилаётган уламолардан Аллоҳ рози бўлсин. Иймонларига қувват, жонларини химоясида асрасин. Имомликдан бўшатилган ҳақиқий аҳли илмларимизга Аллоҳ тез орада ўз ўринларини топишлигига ёрдамчи бўлсин. Қамокдаги аҳли илмларимизга нажот берсин. Ўлганларини раҳматига олсин.

Sayyid Islom
facebook.com



Ўзбекистон банклари долларни юридик шахсларга “қора бозор” курсида сотишни бошладилар

Ўзбекистондаги тижорат банклари юридик шахсларга эркин бозор курсида хорижий валютани сотишни бошлаганлар. Ҳозирча банклар жисмоний шахсларга доллар сотишмаяпти ва оддий одамлардан хорижий валютасини сотиб олаётганлари йўқ.

Маҳаллий журналистларнинг хабар қилишича, шу йилнинг 30-июнь куни Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистонда валюта олди-сотдиси бағишланган низомга ўзгартириш киритган.

Тижорат банкларига ҳукуматнинг “Биржадан ташқари валюта бозорида хорижий валютани харид қилиш ва сотиш операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарори келиб тушган.

Ўзбекистонлик журналистлар ушбу ҳужжатнинг кенг оммага мўлжалланмаган бўлса-да, банклар ижроси учун мажбурий қимматга эга эканлигини урғуламоқдалар.

Валюта олди-сотдиси низомида бундан олдин доллар курси Марказий Банк эълон қилган сўнгги курсга боғлиқ бўлиши белгилаб қўйилган эди.

“Биржадан ташқари валюта бозоридаги операциялар сўнгги

банкларо савдо сессиясида хорижий валютага бўлган талаб ва таклиф асосида шаклландиган эркин курс бўйича амалга оширилади”, деб ёзиб қўйилганди олдинги низомда.

Энди биржадан ташқари валюта бозоридаги операциялар банклар томонидан тўғридан-тўғри шартномалар асосида бозор курси бўйича амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Доллар ёки Евро сотиб олмақчи бўлган жисмоний шахсларга конверсион карталардан фойдаланиш маслаҳати берилмоқда.

Ўзбекистон Марказий Банки ҳозирча “қора бозор”ни йўқотиш йўлидаги илк қадамлар борасида шарҳ бермаяпти.

Би-би-си Марказий Банк Матбуот хизматида боғланди, матбуот хизматида банкларга юридик шахсларга доллар сотиш ёки сотиб олишга рухсат берилгани ҳақидаги ҳужжатга эга эмасликларини айтишди.

7-июль куни Тошкентда долларфурушлар 1 АҚШ долларини 8450 сўмдан харид қилиб олганлар, 8470 сотганлар.

Марказий Банк курси 3986 сўм 55 тийин этиб белгиланган.

Манба: Би-би-си Ўзбек

Хусусий нотариуслар 1 январдан ўз фаолиятини қайтадан бошлаши мумкин

Ўзбекистонда нодавлат нотариал идоралар ўз фаолиятини 2018 йилнинг 1 январидан қайтадан бошлаши мумкин. Бу ҳақда УЗА хабар агентлиги хабар берган. 2010 йил май ойида Президент Ислом Каримов фармони билан хусусий нотариуслар фаолияти тўхтатилганди.

УЗАнинг хабар беришича, "Тараққиёт стратегияси" маркази томонидан шу йилнинг 12-17 июнь кунлари кенг жамоатчилик ўртасида ижтимоий сўров ўтказилган. Унда турли ҳудудлардан 1 минг 104 фуқаро иштирок этган.

"Сўровда иштирок этганлар нотариалидоралардаги ортиқча вақт ва маблағ йўқотишлар, ходимлар сонининг камлиги, нотариусларнинг муомала маданияти ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш малакаси пастлигини тизимдаги асосий муаммолар сифатида кўрсатган", – дейилади хабарда.

Жамоатчилик фикри сўрови якунларига бағишланган матубот анжумани ташкиллаштирилган. Унда Адлия вазирлиги мутасаддилари ва нотариусдар журналистлар саволларига жавоб берган.

Анжуманда нотариуслар

фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар хусусида маълумот берилган.

"2018 йил 1 январдан бошлаб нодавлат нотариуслар фаолиятини йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда", дейилади УЗА хабарида.

Бундан ташқари амалга оширилаётган нотариал ҳаракатларнинг қарийб ярми турли ҳужжатларни тасдиқлаш билан боғлиқлиги инобатга олиниб, мажбурий тасдиқдан ўтказилиши лозим бўлган ҳужжатлар сонини қисқартириш бўйича иш олиб борилаётгани ҳам билдирилган.

Ўзбекистонда хусусий нотариал идоралар фаолияти 2010 йилнинг 15 майдан бошлаб ўша вақти Президент бўлган Ислом Каримов фармони билан тўхтатилган эди.

Ўзбекистон президентининг бундай қарорга келишига хусусий нотариал идораларнинг қонунга зид ҳужжатларни тасдиқлаши ҳоллари кўпайгани сабаб бўлгани маълум қилинганди.

Хусусий нотариуслар қонунларни бузишган ҳамда ғаразли мақсадни кўзлаб ўзларининг хизмат ваколатларини суистеъмол қилгани аниқланган, дейилади фармонда.

Бироқ хусусий нотариал

идораларнинг чекланиши ортидан ўзбекистонликлар ушбу соҳада қийинчиликларга дуч кела бошлашди.

Давлат нотариал идоралари ходимларининг муомаласи, коридорлардаги узундан узун навбат ва хизмат учун асосланмаган нарх қўйиш ҳолатлари аҳолининг норозилигига сабаб бўлди.

Ўзбекистонда янги Президент келганидан сўнг бу каби норозиликлар маҳаллий босма ва интернетдаги нашрларда эътибор қаратила бошланди.

Аввалига Адлия вазирлиги ушбу ҳолатларга кўз юмушга ва муаммо "айрим нопок нотариуслар"га тегишли эканлигини айтиш билан чекланди.

Бироқ танқидлар кети узилвермагач ушбу муаммога мутасаддилар жиддий ёндашишга мажбур бўлишди.

Кузатувчиларга кўра, хусусий нотариал идораларнинг қайтиши уларни тақиқлаш қарори нотўғри бўлганини ҳукумат тан олганидан дарак беради.

Бундан ташқари нотариал идора томонидан тасдиқланадиган ҳужжатлар сонининг камайтирилиши борасидаги чоралар ҳам ушбу соҳада муаммоларни камайтиришга қаратилган жиддий қадам сифатида баҳоланиши мумкин.

Манба: Би-би-си Ўзбек

Таниқли инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси Суръат Икромов айтишича, Ўзбекистонда гумондор ва тутқунларни қийноққа солиш билан боғлиқ аҳвол ўзгаргани йўқ.

26 июнь – Қийноқ қурбонларини қўллаб-қувватлаш халқаро куни муносабати билан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари Марказий Осиё республикалари раҳбарларини қийноқлар олдини олиш, қийноқ ва ноинсоний муомала қилган жиноятчиларни жазолаш ва қийноқ қурбонларига тоvon тўлашга чақирганлар.

Беш Марказий Осиё мамлакатларида инсон ҳуқуқлари муҳофазаси билан шуғулланадиган ташкилотларни ўзида бирлаштирган Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳамкорлик ташкилоти (Inter-

Ўзбекистонда гумондор ва тутқунларни қийноққа солиш билан боғлиқ аҳвол ўзгаргани йўқ

national Partnership for Human Rights – IPHR) тарқатган баёнотга кўра, сўнгги йилларда аҳволни яхшилаш мақсадида Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистонда айрим ижобий қадамлар ташланган.

Ўзбекистонда ҳам Президент Шавкат Мирзиёев "Ички ишлар органлари" тўғрисидаги қонунни имзолаган.

2018 йилдан Ўзбекистонда қўлга олинган шахсни суроққа тутиш жараёни аудио ва видеога ёзиб олиниши мўлжалланмоқда.

Бироқ инсон ҳақлари фаоллари дастлабки тергов вақти ҳамда жазони ижро этиш муассасасида

сақланаётган диний мотивлар билан қамалган маҳкумларга нисбатан қийноқлар тўхтамаганини айтадилар.

2003 йили БМТнинг Қийноқлар бўйича махсус маърузачиси Тео ван Бовен Ўзбекистонда қийноқлар мунтазам қўлланилади, деган хулосага келган.

Хўш, Ўзбекистонда раҳбарият ўзгаргани қийноқлар билан боғлиқ вазиятни ҳам ўзгартирдим, деган савол билан Би-би-си Тошкентдаги мустақил Инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари ташаббус гуруҳи раҳбари Суръат Икромовга мурожаат қилди.

Манба: Би-Би-Си Ўзбек



“22 йил турмада ўтирган бўлсанг, “ОВИР визаси”ни 15 йил кутишинг керак”

2015 йил 12 ноябрь куни 22 йиллик қамокдан озод қилинган Ўзбекистон демократик ҳаракати фаоли, собиқ депутат ва Муборак шаҳар собиқ ҳокими Мурод Жўраев мураккаб операция учун Германияга боришга муҳтож. Аммо, у ички ишлар ва МХХ унинг чиқиш визаси олиш имконини турли йўллар билан тўсиб келаётганини айтмоқда.

Мурод Жўраев – Ўзбекистон мустақиллигининг илк йилларида мамлакатда демократик бошқарувни шакллантириш учун курашиб, умрининг 22 йилини қамокда ўтказишга маҳкум этилган собиқ депутатдир.

Ўзбекистон қамоғида энг узок ўтирган сиёсий маҳкумлардан бири саналган Мурод Жўраевнинг қамокдан соғлиғи абгор аҳволда уйига қайтганига бир ярим йилча бўлиб қолди.

Қамокдан чиққанидан кейинги бир йил давомида ҳар босган қадами учун маҳаллий милиция бўлимига ҳисоб бериб туришга мажбур бўлган собиқ депутат, бир йилдан сўнг ўз ҳаракат эркинлигининг тикланишига умид қилган эди, аммо бу умидлар ҳозирча ўзини оқламаган.

Собиқ депутатнинг рафиқаси Холбека Жўраевга кўра, Мурод Жўраевга мураккаб жарроҳлик амалиёти кераклигини айтган Тошкентдаги нейрохирурглар, унга Ҳиндистон ёки Европа давлатларидан бирига боришни тавсия этган.

Аммо, Холбека Жўраевнинг

айтишича, Ўзбекистондан чиқиш визасини олиш, Мурод Жўраев мисолида, амалга ошириб бўлмас ишга айланган:

– Қамокдан чиққанларидан кейин, бир йил давомида назоратда бўлдилар ва ҳатто, касалхонага борсак ҳам, милиция ходимларидан рухсат олиб, қайси касалхонага, нима сабаб билан бораётганлари ҳақида отчёт бердик. Тошкентга ҳам бормадилар. Бир йилдан кейин назорат тугади. Кейин соғлиқларини тиклаш учун ёрдам сўраб, элчихоналарга мурожаат қилдик. Германия элчиси у кишини уйга келиб кўриб кетувди. Элчи Германияда операция қилдиришга ёрдам берамиз, фақат ОВИР визасини олинг, деди. Биз 24 апрель куни Қашқадарё вилоят Ички ишлар бошқармасига ҳамма ҳужжатларни топширдик. Бир ойча ўтиб, суддан ажрим олиб келинг, деб телефон қилишди. Тошкентга бориб, суд ажримини олиб келдим. Ундан кейин, Муборак профилактика бўлиmidан рўйхатда туриш-турмаслиги ҳақида справка олиб келинг, дейишди. Бу ерда эса, 22 йил қамокда ўтирган Жўраевнинг яна камида 15 йил милиция назоратида қолиши ва шу боис, унга ОВИР визаси учун справка берилмаслигини айтишди, – дейди собиқ депутат, Муборак шаҳрининг собиқ ҳокими Мурод Жўраев рафиқаси.

Мурод Жўраевга хориж чиқиш рухсатномасини олиш учун яна 15 йил кутиш лозимлиги ҳақидаги баёнотнинг қайси қонун ёки

қарорларга асосланганини расмий тизимлардан ўрганишнинг ҳозирча имқони бўлмади.

Ўзбекистонда расман рўйхатга олинган “Эзгулик” инсон ҳақлари ташкилоти фаоли Абдурахмон Ташанов собиқ маҳкумлар, хусусан, сиёсий маҳкумларнинг хорижга чиқишга рухсат бермаслик ҳақида ички ишлар ва хавфсизлик тизимларида низом бўлган тақдирда ҳам, уни конституция ва қонунларга зид эканини айтади:

– Ўзбекистон конституцияси ва қонунларига кўра, озодликдан маҳрум этилмаган шахс барча ҳуқуқларга эгадир. Бу ҳақлар эса, жазо муддатини ўтаб бўлган одам, хусусан, сиёсий маҳкумларга ҳам бирдек тегишли бўлиши керак. Аммо, ҳозирча Ўзбекистонда сиёсий ислохотлар бўлгани йўқ, на сиёсий муҳолифат ва на фуқаролик жамиятига нисбатан муносабат ўзгаргани йўқ. Ҳамма нарса эски сиёсат инерциясида давом этаяпти. Мурод Жўраевга муносабат ана шу инерциянинг бир кўриниши, холос, – дейди ҳуқуқ фаоли.

Озодлик билан суҳбатда Холбека Жўраева, Ислон Каримов буйруғи билан қарийб 22 йил қамокда ушланган эри, гарчи Каримов ўлимидан олдин озодликка чиқарилган бўлса-да, Мирзиёев даврида ҳам нафақат Мурод Жўраев, балки унинг фарзандларига нисбатан босимнинг ҳам ўзгаришсиз давом этаётганини айтади ва бунинг учун МХХ ни айблайди.

Каримов даврининг энг танилган сиёсий маҳкумлари – ёзувчи Мамадали Маҳмудов, собиқ депутатлар Мурод Жўраев ва Самандар Қўқоновлар озодликка чиқарилганига қарамай, уларнинг ҳаракат эркинлиги чекланганича қолмоқда.

Мамадали Маҳмудов ва Муҳаммад Бекжоннинг хорижга чиқиш визаси берилиши учун барча инстанцияга қилган мурожаатлари, Мурод Жўраевники каби, натижасиз қолмоқда.

Бу учала таникли сиёсий маҳкум, Шавкат Мирзиёев бошлаган айрим ўзгаришларни олқишлаган ҳолда, умрининг энг сермахсул йилларини қамокда ўтказишга ҳукм этилган Каримов муҳолифларига нисбатан муносабат ўзгаришига умид билдирган эди.

Манба: “Озодлик” радиоси

Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 21 июнь куни имзолаган “экспорт билан шуғулланувчи ташкилотларни янада қўллаш ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш чоралари тўғрисида” қарори экспортни рағбатлантиришга қаратилган, дея қайд этади иқтисод бўйича мустақил эксперт Юлий Юсупов. Ҳукумат таклиф этаётган чоралар иқтисодчи томонидан Kommer-sant.uz порталига берган шарҳида тахлил қилинган:

“Биринчиси ва менинг назаримда энг муҳими. Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни экспорт қилувчи ташкилотлар учун амал қилаётган имтиёз ва преференциялар ташқи савдо ташкилотлар, яъни воситачилар учун ҳам амал қилиши тўғрисида қарор қабул қилинган. Ушбу қарор бизда шаклланган савдо воситачиларини камситишга қаратилган тизимни вайрон қилишнинг бошланиши деб умид қиламан, негаки шўролар даврида воситачилар маҳсулотнинг якуний нархини кўтарувчи текинхўрлар деган кўз қараш анъанага айланган эди.

Камситишнинг моҳияти нимада эди? Агар мен ишлаб чиқарувчи бўлиб, ўз маҳсулотимни экспорт қиладиган ёки ўзим учун хом ашё ёки бутловчи қисмларни импорт қиладиган бўлсам, давлат менга кўплаб турли, биринчи навбатда солиқ соҳасидаги имтиёзларни тақдим этади. Бироқ, агар менинг маҳсулотимни қандайдир савдо компанияси экспорт қилса ёки ўша савдо компанияси мен учун хом ашё ва бутловчи қисмларни импорт қилса, бу имтиёзлардан на мен ва на савдо компанияси фойдалана олади.

Нега? Агар мен фермер ёки мисол учун, чеварчилик маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиси бўлсам, нега энди ўзим экспорт фаолияти билан шуғулланишим керак? Ахир бунга озмунча ҳаракат, махсус билим ва тажриба керак бўлмайдами? Замонавий иқтисодиёт ихтисослашув асосида, шу жумладан, маҳсулотни бозорда, боз устига ташқи бозорда илгари суриш масалаларини ҳал қилиш орқали барпо этилмоқда. Жамият учун маҳсулотни ким экспорт қилаётгани: ишлаб чиқарувчининг

Ўзбекистонда бир неча валюта алмаштириш курсларининг мавжудлиги иқтисодиётни ҳалок қилмоқда

ўзими ёки воситачими, нима фарқи бор? Экспорт ҳар қандай ҳолатда фойдалидир.

Бу масала импортга ҳам тааллуқлидир. Чеварлар либос тикиш учун газлама, тугма ва бошқа зарурий буюмларни ўзлари импорт қилишлари шартми? Белгиланган кўринишдаги, рангдаги ва катталиқдаги 1000 дона тугмани сотиб олиш учун ўзлари шартнома тузиши шартми? Кимга керак? Бу ишлаб билан профессионаллар шуғуллангани яхши эмасми?

Албатта воситачилар фаолияти рақобат шароитида кечиши лозим ва бу воситачини кимдир “тайинлаши” мутлақо жоиз эмас. Шунингдек, ишлаб чиқарувчилар агар истасалар, экспорт ва импорт операцияларини ўзлари мустақил равишда амалга ошириш имкониятига эга бўлиши лозим.

Иккинчиси. Экспортчилар ташқи бозорда ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотни қўшимча солиқларсиз “таннархдан паст” бўлган нархда сотиш имкониятига эга бўлдилар. Гап нима ҳақда кетяпти?

“Таннархдан паст” бўлган нархлардаги экспорт кенг тарқалган, негаки солиқ органлари таннархни расмий курс бўйича ҳисоблайдилар. Мисол учун, қандйдир товарнинг таннархи 8 минг сўм деб тахмин қилайлик. Экспортчи ўз валютасини сота оладиган биржа курсини ҳисобга олади. Биржа курси бўйича бир долларнинг нархи 10 минг сўм деб тахмин қиламиз. 8 минг ҳаражатларни копласа, 2 минг сўм фойдага қолади.

Гўё ҳаммаси аълодек. Ташқи бозорда қиммат сотиш имкониятсизлигини ҳам эътиборга олиш керак. Бироқ солиқ органлари нуқтаи-назаридан олиб қаралгана, товар “таннархидан паст” сотилган. Таннархи 8 минг сўм, расмий курс бўйича нақ икки доллар! Шу ерда солиқчилар “камомад”дан солиқ тўлаб қўйинг, деб туриб оладилар.

Бемаъниликми? Ҳа, ўта бемаънилик! Аммо валютанинг муомалада бир неча курслари мавжудлиги ундан ҳам ўтадиган бемаънликдир.

Қарор маҳсулотни “таннархидан паст” нархда экспорт қилишга имкониятини беради, бироқ бунинг учун Ижтимоий эксперт комиссиясининг хулосаси” керак бўлади. Шундоқ ҳам очиқ-равшан бўлган ҳолатни тан олиш учун комиссиянинг нима кераги бор? Экспортчилар ташқи бозорда ўзлари учун маъқул нарх бўйича ўзлари қарор қиладиларку ахир? Майли, “сабр қилсанг, гўрадан ҳалво битур” дейишган, тез орада бу комиссияларнинг тугатилишини кутамиз.

Учинчиси. Барча тадбиркорлар субъектларига мева-сабзавот маҳсулотлари, узум ва поллиз экинларини “Ўзагроэкспорт” АЖ назоратсиз мустақил равишда экспорт қилишга рухсат берилди. Бу жуда яхши хабар. Бироқ экспорт 100 фоиз олдиндан тўлов ўтказилганидан сўнг амалга оширилиши мумкин бўлади. Негадир бир вақтлар барча валюта тушумлари фақат давлатга тегишли бўлган “социализмнинг норидан” воз кеча олмаяпмиз. Давлат бирор цент йўқолмасин, дея қаттиқ назорат қилиш одатини ташламаяпти.

Тўртинчиси. Олиб қирилаётган ва ишлаб чиқарилаётган товарларнинг тегишлилик сертификатини расмийлаштириш муддати уч иш кунигача қисқармоқда. Бу жуда яхши хабар бўлиб, агар қондага рия қилинса экспортчиларнинг ҳаётини анча осонлаштиради.

Шундай қилиб, экспорт йўлида тўғаноқ бўлаётган маъмурий тўсиқларни бартараф қилишга қаратилган муҳим ишлар амалга оширилди. Бироқ ташқи иқтисодий фаолият ислохотлари шу билан чекланиб қолмайди ва давом этади, дея умид қиламан. Биз жорий операциялар бўйича валютанинг эркин конвертацияси жорий қилинишини ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётини муқаррар ҳалокатга олиб боровчи валюта алмашувининг кўплаб курсларини қачон йўқ қилишар экан, дея кута-кута кўзларимиз тўрт бўлаёзди” – дея хулоса қилади эксперт.

Манба: “Фарғона” АА

Июль ойининг бошида Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёевнинг «она сути оғзидан кетмаган» ёшларни ҳукуматдаги юқори лавозимларга тайинлагани ўзбек жамиятида турли мунозаралар уйғотди.

Ижтимоий тармоқлар, оммавий ахборот воситалари, ийғилишлар, ўзаро суҳбатлар чоғи бу тайинловларга нисбатан турли фикрлар билдириляпти. фото: (ўнгдан) Алишер Саъдуллаев, Олим Тўйчиев

Эслатиб ўтамиз, президент Мирзиёев қарори билан 3 июль куни 23 ёшни қаршилайдиган Алишер Саъдуллаев халқ таълими вазири ўринбосари этиб тайинланди. 25 ёшли Олим Тўйчиев эса Фан ва технологиялар агентлиги бош директори ўринбосари бўлди.

Мунозаралар мавзуси асоасан



ЁШ АМАЛДОРЛАР ЎЗГАРИШЛАР ҚИЛИШГА ҚОДИРМИ?

Йигитларнинг ёши атрофида айланмоқда. Ҳар ҳолда бугун улар эгаллаган лавозим кичик эмаслиги бунга сабаб.

Бир қанча давраларда айна тайинланув борасида билдирилган фикр-мулоҳазаларда кўпчиликни қизиқтириши мумкин бўлган қарама-қаршилиқлар бор.

Кузатувларимиздан маълум бўлдики, ёши ўттиз бешгача бўлган аксарият ёшлар бу тайинловларни маъқулламоқда.

Уларнинг фикрича, ёши анча катта бўлган кўплаб амалдорлар бугунги давр шиддатига жавоб бера олмаяпти.

«Ҳатто Каримов даври сиёсати билан суяғи қотган Рустам Азимов каби бир қарашда истиқболи порлоқ бўлган юксак даражадаги амалдор ҳам давр талабига дош бера олмай, мансабидан айрилди. Тўғри, бунинг ҳокимият учун курашга ҳам боғлиқлик жиҳати бордир. Аммо унинг янги президент сиёсатига тўғри келмагани барибир ҳақиқат», дейди бу тоифадаги суҳбатдошлар.

Бу тоифа суҳбатдошларга кўра Алишер Саъдуллаев ва Олим Тўйчиев ёш бўлгани, фикри, дунёқараши билан бугун ҳокимиятни эгаллаб турган тепса-тебранмас амалдорлардан фарқ қилади.

«Қолаверса, таълим ва фан соҳасининг ичида юриб, мавжуд муаммоларга юзма-юз бўлиб келаётгани учун ҳам улар бу тармоқлардаги масалалар ечимини топишга кўпроқ фойдаси тегади», дея ҳисоблашади улар.

Айримлар бундай ёшда катта лавозимни эгаллаган бу йигитлар муайян ўзгаришлар қилишга уриниш орқали ўзини кўрсатишга интилишга мажбур эканини ижобий

ҳол ўлароқ баҳоламоқда.

Урта ва катта ёшли кишилар эса бу тайинловларни эҳтиёткорлик билан қаршилайётгани маълум бўлди.

Бу тоифадагиларнинг таъкидлашича, таълим ва фан соҳалари тизим сифатида ичидан чириб кетган. Шунинг учун мазкур соҳаларда бирор ўзгариш яшаш ёш амалдорларга оғирлик қилиши мумкин.

«Уларга бугунги тизим тепасида турганларнинг қаршилигини енгиб ўтиш учун энг юқори даражада катта ишонч керак. Агар улар ўзгаришлар қилишга уринишса, бу ўзгаришлар мазкур соҳаларни ислоҳ қилишга фойдали бўлса, бундай қўллаб-қувватловни янада кучайтириш зарур», дейди эҳтиёткорлар.

Уларнинг айтишича, гарчи Саъдуллаев ва Тўйчиев билимли ёшлар ҳисобланса-да, ҳаёт тажрибаси, бошқарув кўникмаси етишмаслиги уларга панд бериб қўйиши мумкин.

«Шунга қарамай, президентнинг қатъийлик билан бу йигитларни катта лавозимга тайинлаганини олқишлаш керак. Чунки бу қарор Каримов ҳукмронлиги етиштирган чаламулла, боқибегам, ўз ҳаловатидан бошқасини ўйламайдиган амалдорлар юзига тарсакидир», дейди яна бир ёши каттароқ суҳбатдошимиз.

Халқ таълими вазири ўринбосарлигига тайинланган Алишер Саъдуллаев Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтини тамомлаган, кейинроқ Буюк Британияда таҳсил олган. Шу пайтгача ўзи мустақил равишда Result ўқув маркази раҳбари сифатида ишлаб келаётганди.

Фан ва технологиялар агентлиги бош директори ўринбосари этиб тайинланган Олимжон Тўйчиев эса Тошкентдаги Турин политехника университетида таълим олган. Кейин Германиядаги Ҳоффенхайм университети магистратурасини тугатган.

Кўриниб турибдики, иккаласи ҳам Ўзбекистондаги таълим тизимига коррупция аралашмаган, порахўрлик урчимаган санокли олий ўқув юртларини тамомлаган. Қолаверса, хориждаги таълим ва фан тараққиёти тажрибаси билан уртоқлашган.

Мана шу жиҳатлар уларнинг янги лавозимдаги истиқболга некинлик билан қарашга ундайди.

Улар биографиясидаги бошқа бир жиҳат борки, айнан шу омил айримларни бу тайинловларга эҳтиёткорлик билан муносабат билдиришига сабаб бўлаётир.

Яъни бу йигитларнинг иккаласи ҳам «Камолот» фаоллари ўлароқ янги лавозимга келди.

«Камолот» эса ёшлар онгига фақат мавжуд тузумга садоқат, эркин фикрлашдан кўрқиб руҳини сингдирган бир ташкилот сифатида эсланади.

Ҳар ҳолда, бу ташкилотнинг бирор бир жиддий муаммоларни кўтариб чиққани, ишсизлик, саводсизлик, институтлардаги коррупция ҳақида қачондир гапирганини биз билмаймиз. Шу пайтгача гапирмаган бўлишса, келгусида улардан бунини кутиш мумкинми?

Баҳодир Шариф
Ўзбекистонлик газетхон
тахаллуси
Манба: Eltuz.com

Фарғонада фермер режадан ортган буғдойини ўриб ололмапти

Фарғона вилояти Фурқат тумани ички ишлар ходимлари фермерларнинг комбайнларини “ҳибс”га олди. Бу ҳақда хабар берган фермерларнинг айтишларича, гарчи улар режани 110-120 фоиз қилиб бажарган бўлса-да, лекин туман ҳокими фермернинг ўзига қоладиган буғдойини ҳам ўрдиришга рухсат бермапти. Ёзнинг саратонида қақшаб пишган буғдой ҳосили тўкилиб кетмоқда. Расмийлар бу вилоят ҳокимининг топшириғи эканлигини айтмоқда.

Фурқат туманидаги илғор фермерлардан бири бўлган 70 яшар Очил Бегматовнинг Озодликка айтишича, фермерлар буғдой режасини ортиғи билан бажарган бўлса-да, лекин фермернинг ўзига қоладиган буғдойини ўриб олмаслиги учун милиция уларнинг комбайнларини “ҳибс”га олмоқда:

– Бизнинг туман буғдой планини бажарди. Бу йил буғдой яхши бўлди. Лекин план тўлгандан кейин фермерларнинг хусусий комбайнларини МТПга олиб кириб беркитиб қўйди. Кеча ҳам менинг олдимга 7та мелиса келди. “Қомбайнингизни обориб қантариб қўямиз экан”, деди. Аммо мен бермадим. Ким шундай буйруқ берган, ҳокимми, прокурорми ёки бошлиғингми, фарқи йўқ, печати билан қоғоз олиб келасан, кейин оласан, дедим, дейди Очил Бегматов.

Унинг айтишича, маҳаллий ҳокимлар президентнинг сиёсатига

қарши иш олиб борапти:

– Қаранг энди, буларнинг халққа душманлигини. Фермерларнинг далада қолган буғдойи қовжираб, тўкилиб кетяпти. Бу бир. Иккинчидан, фермер тезроқ ерни бўшатиб, ўрнига иккинчи экин экиши керакку. Ахир фермер планни тўлдирса, шартномани бажарсаю энди ўзига қоладиган буғдойини ўриб ололмаса, ишчиларига беролмаса, бу душманлик эмасми? Кеча ўша мелисаларга “сенларда ҳам виждон борми”, дедим. Буйруқ, дейди. Президентимиз халқни қақшатма, унинг дардига кулоқ сол деб турибдию, лекин буларнинг иши халқни раҳбарларга қайраш бўляпти. Яна битта ҳолат, ортиқча буғдойини ўрдирилганларнинг уйига милиция, прокурор бориб, мажбуран олиб кетяпти. Мана кеча эри ўлган бир фермер аёл олдимга йўғлаб келди, деди Очил Бегматов.

Фурқат туманининг Томоша ҳудудидаги исми сир қолишини сўраган фермерлардан бири ҳам, режадан ортган буғдойини ўрдирилган фермернинг комбайни “ҳибс”га олинганига гувоҳ бўлганини айтди:

“Бизнинг ҳудуддаги комбайни бор фермерлардан бири режани ортиғи билан бажариб, уйига 5700 кило буғдой тўккан экан. Кеча комбайн сўрагани борсам, начальник мелиса уйдаги буғдойини олиб кетиб, комбайнини қамаб қўйибди. Бизнинг ҳудуддаги фермерлар режани 110-120 фоиз бажариб қўйган бўлса-да, лекин 4-5 гектар

ердаги буғдойи қовжираб ётибди. Мана, куйиб, тўкилиб ётибди буғдой. Увол бўляпти, лекин ўргани қўймайди. Масалан гектаридан 50 центнер олиш мумкин бўлган ҳолда, фермер олса энди 30 центнер олади. Мен буларнинг бу аҳмоқона сиёсатига ҳеч ҳам тушунмадим”, дейди фермер.

Фурқат туманининг ўзини таништирмаган мулозими, фермерларнинг режадан ортган буғдойини ўришга рухсат этилмаётганини, комбайнларнинг “ҳибс”га олинаётганини тасдиқлади: “Бу бизнинг янги бўлган ҳокимнинг эмас, балки вилоят ҳокимининг буйруғи. Вилоят буғдой режасини тўлдириши учун сақлаб турган бўлса керак. Туғри, биз ҳам фермерларни тушунамиз, меҳнат қилган, ўзига олиши керак, ишчиларига бериши керак. Лекин, буйруқ тепадан, келган”, деди ҳокимлик мулозими.

Фурқат тумани ички ишлар бўлимининг навбатчиси милиция ходимлари комбайнларни қамаб қўяётганини инкор қилди:

“Милициянинг бундай ваколати йўқ, бизнинг ходимлар бундай тадбирда қатнашгани йўқ”, деди навбатчи милиция ходими.

Фарғона вилояти ҳокимлигидан бу масалага муносабат олишнинг имкони бўлмади.

Фарғона вилоятида комбайнларни қамаб қўйиш ҳолати ўтган йил ҳам юз берган эди.

Манба: “Озодлик” радиоси

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, бош офиси Лондонда жойлашган ВВС жаҳон хизматининг ўзбек шўъбаси 5 июль куни “бир муддат танаффусдан сўнг, Ўзбекистондаги фаолиятини қайта бошлаш арафасида” эканини эълон қилди.

Шу муносабат билан ВВС ўзбек хизмати Тошкентда очиш режаланаётган мухбирлик бюросига ишга олинадиган журналистлар учун танлов эълон қилди.

“Биз журналистларимиздан ишга ижодий ёндошув, янги-янги мавзуларни топиш, турли-туман одамлар билан мулоқот ва мамлакат бўйлаб сафар қилишга ҳозирликни

ВВС ўзбек хизмати Ўзбекистонга қайтмоқда

кутамыз.

Тошкент бюроси мухбири Ўзбекистондаги янгилик-воқеаларни нафақат ўзбекистонликлар, балки дунё бўйлаб ўқувчи ва томошабинларга ҳам етказди”, дейилади ВВС ўзбек хизмати сайтида қўйилган хабарда.

Ҳозирча Британия корпорациясининг Ўзбекистон ичкарасида ўз фаолиятини қайта бошлашига оид бошқа тафсилотлар, хусусан,

мухбирлик бюросининг қачон очилиши тафсилотлари эълон қилинмади.

2005 йил Андижон воқеалари ортидан ВВС ва Озодлик радиоларининг мухбирлик бюролари ёпилиб, хориж радиоси мухбирлари ўз фаолиятини Ўзбекистондан ташқарида давом эттиришга мажбур бўлган эди.

Айрим қузатувчилар, ВВСнинг Ўзбекистонга қайтиши Шавкат Мирзиёев ҳукуматининг мустақил ахборот воситалари ва сўз эркинлигига нисбатан сиёсати юмшай бошлагани ифодаси бўлишини тахмин қилмоқда.

ЎХХ хабарлар бўлими

Жаҳон футболда позицион хужум, қарши хужум, қанотлар ва марказ орқали хужум, прессинг орқали тўғри олиб қўйиш каби турли тактикалар ҳамда “4-4-2”, “4-5-1” каби ҳоказо схемалар бор.

Охирги пайтда Марказий Осиёда ўзига хос ва ўзига мос, дунёни лол қолдирадиган, мустақиллик душманлари ва ватангадолар кўролмайдиган бир тактика чикдики, футбол мутахассислари уни идрок қила олишмаяпти.

Ҳатто унга ном ҳам бера олишмаяпти. “Бу қандай футбол? Бу қандай тактика?” – дейишдан нарига ўта олишмаяпти.

Футбол соҳасида мутахассис бўлмасан-да, “зато тинчлик!” чилар томонидан хаспўшланаётган бу тактиканинг асл моҳиятини дарров англадим. Шунинг учун ҳам унга тез ном ҳам топдим.

“Жамоа тарихидаги энг кучли таркиб” намоиш этаётган бу тактика лўнда қилиб айтганда “порахўрлик тактикаси” дир.

Бу тактика “тўлайсан-ўйнайсан, тўламайсан-ўйнамайсан”, “мурабийга ёқасан-майдонга тушасан, мурабийга ёқмайсан-майдонга тушмайсан” каби схемалар орқали ўйналади.

Кўпчилик бу тактикани жамоага олибсатар олиб келди, деб ўйлайди. Аслида эса порахўрлик тактикаси бу юрт футболда анча илгари, тахминан 7-8 йил аввал илдиз ота бошлаган.

Миллий футболнинг футболга кизикмайдиган, савдо сотикдан бошқа дарди бўлмаган, миллий ғурури ва онги йўқ, шуурсиз ва ориятсиз бир бойларга топширилиши мана “оламшумул”

Порахўрлик тактикаси

тактиканинг илдиз отишига асосий сабаб бўлди.

Бу жараённинг кульминацион нуқтаси шу бўлди-ки, савдогар олибсатарни футбол жамоасига бош қилиб қўйди. Ишқибозу журналистларнинг эътирозу фиғонларини ака-ука баҳодирлар бир тийинга олишмади ҳамда порахўрлик тактикасини энг юқори чўққиларга олиб чиқишда давом этишди.

Нагижа эса ҳаммага маълум: миллат миллий футболдан безиб бўлди, стадионларга кирмай қўйди. Бу юрт футболда шу даражада хароб бўлди-ки, ўйинларни стадионларда

эмас, трибуналарсиз оддий майдонларда ҳам ўтказса бўладиган ҳолга келиб қолди. Чунки футболда илдиз отган порахўрлик тактикаси туфайли жамоалар ўзаро келишиб ўйнашга ўтиб олишди.

Уруш пайтида бу юртга келиб қолган бошқа миллат вакиллари маҳаллий аҳолини шу ажойиб ўйинга ўргатиб, унга кизиктиришган бўлса, шу юртда улғайиб, каттакон бўлган бойлар ўз

халқини футболдан совутишди.

Чунки бу миллат бойларида халқ гами, миллат дарди йўқ, миллий онг ва орият йўқ. Уларда шу хислатлар бўлганида футбол жамоасига олибсатарни бош қилиб қўйишмас эди.

Ориятсиз ва онгсиз бойлар “муборак”!

Савдогар ва олибсатарлар “муборак”!

Улар яратган порахўрлик тактикаси “муборак”!

Бобомурод АБДУЛЛА
2017 йил 13 июнь
[facebook.com](https://www.facebook.com)

Тошкент шаҳар имом-хатиби Анвар қори Турсунов республика аҳолини сув, газ ва электрдан қарзини вақтида тўлашга даъват қилди, қарздорлар Ҳажга жўнатилмаслигидан огоҳлантирди. Бу танилган дин арбобининг республикада аҳолидан газ-свет бўйича қарзни ундириш кампанияси доирасида қилган илк чиқишидир.

Podrobno.uz агентлигининг хабар қилишича, Тошкентдаги халқаро пресс-клубдаги йиғилишда қатнашган пойтахт бош имоми қарздорларни Ҳаж ибодати қабул қилинмаслигидан огоҳлантирган ва бундай қарздорлар Ҳаж зиёратига жўнатилмаслигини айтган.

“Ҳатто, бир сўм қарзи бўлса ҳам Ҳаж қабул бўлмайди ва шунинг учун бундай қарзи бўла туриб, Ҳажга кетаётганларни самолётга чиқармаймиз”, дея иктибос келтирди имом-хатибдан агентлик.

Ўз чиқишида Анвар қори Турсунов аҳолини исроф қилинган ҳар бир томчи сув учун Оллоҳ олдида жавоб беришдан огоҳлантириб, “намоз ўқийдиган, Ҳаж қиладиган, аммо электр учун пул тўламайдиган одамлар

Газ-светдан қарздорлар Ҳажга жўнатилмайди

бор”лигини ҳам айтган ва бундан аҳолини қайтарган.

Ўзбекистонда аҳоли зиммасида йиғилиб қолган электр-газ тўловларини ундиришга ҳокимият, банк, таълим муассасалари ва маҳалла қўмиталари, солиқ, ИИБ каби давлат ташкилотлари жалб қилинган.

Бу ташкилот ходимларидан иборат махсус гуруҳлар аҳолини қарзларни тўлашга даъват қилади ва уй-уй юриб, ундиради ҳам.

Аммо, Анвар қори Турсунов даражасидаги диний идора мулозимининг расмий телевидение орқали аҳолини коммунал қарзларни тўлашга даъват қилиши, акс ҳолда “Ҳажга юборилмаслиги”, “Оллоҳ олдида жавоб бериши”дан огоҳлантириши илк бор кузатилмоқда.

Ўзбекистонда йиллардан буён энергетик инқироз давом этмоқда. Буни энергетик таъминотга маъсул идоралар расмийлари ҳам тан олган.

Аҳоли кун давомида бир неча соатгина бериладиган электр, аксар ҳудудларда тамомила узилиб қолган газ таъминотидан шикоят қилади ва муҳими, ҳаминқадар свет-газ учун йиғилаётган катта қарздорликдан норози бўлади.

Расмий маълумотга кўра, Ўзбекистонда свет ва газ бўйича қарздорлик 5 триллион сўмдан ошиб кетган. Шу боис, 1 июлдан бошлаб электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисоблаш ускуналарига атайин зарар келтирган, уларнинг кўрсаткичларини ўзгартиришга уринган шахслар энди жиноий жавобгарликка тортиладиган бўлди. “Халқ сўзи” газетаси хабарига кўра, ҳисоблагични атайлаб ўзгартирганларга энг кам ойлик иш ҳақининг 25 бараваридан 75 бараваригача жарима ёки 240 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш билан жазоланади.

Айни пайтда, республикадаги барча давлат ташкилотлари аҳолидан қарзни ундириш кампаниясига жалб этилаётгани кузатилмоқда.

Манба: “Озодлик” радиоси



Баҳоуддин Нақшбанд

(Суратда: Баҳоуддин Нақшбанд мақбараси)

Баҳоуддин Нақшбанднинг таркидунёчилик қилмай, демакки, бу дунё ишларидан очиқ-ошкор қўл силтамай туриб ҳам Аллоҳга етиш мумкинлиги ҳақидаги ғояси мусулмон оламида тасаввуфнинг, тўғрироғи, Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш қобилиятининг жуда кенг аҳоли қатламлари ичига кириб боришини таъминлаган асосий омил бўлди.

Аллоҳга яқинлик эса икки дунё саодатига элтувчи йўлдир.

Тарих китобларида ёзилишича, Нақшбанд Ҳазратлари деҳқончилик қасбини бир умр ташламаганлар. Ўзининг унча катта бўлмаган ерига буғдой ва мош экиб, шунинг ҳосили ҳисобидан тирикчилик ўтказган.

Уйларида бойлик сақламаган. Турмушда ҳам ўта хоксор, бориға қаноат қилиб яшар, доимо шукр айтувчи кимса бўлиб, қишин-ёзин қамиш бўйра устида ухларди. Уйларида ҳеч қачон хизматкор ишлатмас эди. У зотнинг турмуши ўз хоҳишлари билан йўқсиллик ва фақирликда кечган.

Бойлик ва мартаба дунёга ҳавас пайдо қилиб, нафснинг ғалаба қилишига сабаб бўлади, деган ақидани маҳкам ушлаганлар. Доимо “Дил ба ёру даст бакор”, яъни “Кўнгил худога, қўл ишда бўлсин” деган шиорга амал қилиб яшаган. У, дунёдан қўл силкмай туриб ҳам, худо деб яшаш мумкин, дея тарғиб қиларди.

Ул зот тушунтирар эдики, сенинг кўринишинг, қилаётган касби-коринг, яшаш тарзинг – бари-бариси аҳамиятсиз, ўткинчи. Чунки кўриниш ҳам, касб-кор ҳам, ҳаёт тарзи ҳам ўзгариши мумкин,

фақат қалб ҳеч қачон ўзгармай қолади. Чунки қалбнинг илк ҳаракатга келиши Аллоҳ тарафидан киритилган руҳ туфайлидир. Шу боисдан қалбнинг доимий худо ёди билан яшашига эришишнинг ўзи кифоя.

Қалбнинг ҳар лаҳза, ҳар он худо деб туриши (зикр айтиши) Аллоҳга қурбат ҳосил қилишнинг ягона йўлидир.

Жаҳрий зикрдан воз кечиб, ҳафий зикр айтиш эса айни шунга имкон яратар эди. Чунки ҳафий зикр қилмоқ учун махсус шароит талаб этилмасди. Уйда ҳам, далада ҳам, сафарда ҳам, анжумандаги суҳбатлар чоғида ҳам қалбан зикр айтишда давом этиш мумкин эди.

Зикр эса Ҳаққа элтади.

Ҳақни билган, таниган одамнинг кўнгли равшан бўлади.

Ҳақни таниган одамнинг яшашни осон.

Ҳақни таниган одамнинг ўлиши осон.

Ҳақни таниган одам яшашдан кўркмайди.

Чунки яшаш бу – тобора кирлик, ифлослик ботқоғига ботиш эмас.

Чунки яшаш бу – тозариш учун берилган имконият.

Чунки яшаш бу – яхшилик қилиш учун берилган ҳуқуқ.

Ҳақни таниган одам ўлимдан кўркмайди.

Чунки ўлиш бу – йитиш, йўқ бўлиб кетиш эмас.

Ўлиш, бу – янги, боқий ҳаётнинг бошланиши.

Боқийнинг олдида фонийнинг кадри тупроқча ҳам кўрилмайди...

Ҳаёт ва ўлимнинг ораси бир қадам деганда шуларни тушуниш даркор.

Манба: www.facebook.com

Манзара

Ишлаб ўтириб, оёқнинг чигилини ёзиш учун ўрнимдан турдим. Меҳмонхонага ўтдим. Ўғлим ким биландир тилпонда гаплашиб ўтирган экан. Дераза ёнига бордим. Бешинчи қават деразасидан пастга қараб, ажиб бир ҳолга гувоҳ бўлдим. Дарров ўғлимни ҳам чақирдим.

– Буни қара! Буни қара!
– дедим. – Бунақасини энди кўришим!

Ерда иккита йирик-йирик олақарға қанотларини ҳам, думини ҳам бор бўйича ёйиб, бағрини ерга бериб ётар эди.

Чиндан ҳам қарғаларнинг бунақа ишини умримда кўрмаганман.

Қимирламайди. Худди осмонда бирдан ўлиб ерга попиллаб тушгандай тек ётибди.

Ундай десам, агар ўлиб тушган бўлганида, қушлар бу тахлит бир текис ётмаган бўларди, албатта. Ажиб.

Анчагача томоша қилиб турдим. Пичадан кейин биттаси қанотларини йиғиштирди, лекин думини йиғиштирмади, оёққа ҳам турмади, бағрини ердан узмади. Иккинчиси ўша-ўша ҳолида ётишда давом этаверди. Буниси ҳам ёта-ёта секин ўнг қанотини қайтадан ёйди.

Шу ҳолда иккала қуш яна пича тек ётди.

Кўрганам манзарадан ҳайратланиб ушбунни ёзиб қўйиш учун ижодхонамга қайтдим. Яна бир бор деразадан пастга боқдим: ҳали ҳам оналарининг бағрида ётгандай хузурланиб ётишибди!

Ушбунни ёзишимга қанча вақт кетган бўлса, сўнг ўрнимдан туриб яна боқдим: йўқ, учиб кетишибди.

Бу не ҳол экан? Қушларнинг ҳам ерда, тупроқда ўзига яраша баҳра манбалари борми?

Қушлар асосан осмон махлуқоти, аммо ерга ҳам муҳтож экан. Ердан ўзларига қандайдир куч, ғайрат олса керак-да.

Нуруллоҳ Муҳаммад
Рауфхон
facebook.com

“Ҳажга бормоқчи бўлсанг, қирққа кир!”

Тожикистон расмийлари ёши 40 дан кичик фуқароларни Ҳаж зиёратига боришини тақиқлаганлар. Бу хабарни Тожикистон Дин ишлари, урф-одатларни тартибга солиш кўмитаси матбуот хизмати “Радио Озоди” радиосига тасдиқлаган.

Дин ишлари кўмитасига кўра, бундай қарор мамлакатнинг кекса фуқароларига Ҳаж зиёратини адо этишларига кўпроқ имконият яратиш мақсадида қабул қилинган.

Бироқ Тожикистондаги вазиятни яхши биладиган кўпчиликнинг фикрича, ҳукумат Тожиқ ёшларининг радикаллашиши олдини олиш мақсадида ана шундай чораларга қўл урган.

Бундан олдинги йилларда Тожикистонда мактаб ўқувчи қизларнинг рўмол ўрашлари тақиқланган, вояга етмаганларнинг масжидга кириб намоз ўқишлари маън этилган.

Кўплаб ёш тожикистонликлар Ироқ ва Суриядаги жангарилар сафларига бориб қўшилгани ҳақидаги хабарлар ортдан Тожикистон ҳукумати хорижий мамлакатлардаги мадрасаларда Исломи динини ўрганаётган минглаб талабаларни ватанга қайтишга мажбур этди.

Тожикистон ҳукумати бундан олдин ҳам Ҳаж зиёратига борадиган фуқаролар учун чекловлар жорий этган.

2010 йили ёши 18 дан кичик ва 80 дан ошган тожикистонликларнинг муқаддас зиёратга боришлари тақиқланган эди.

2015 йили ёши 35 дан кичикларга ана шундай чеклов киритилганди.

2016 йили 6000 Тожикистон фуқароси Ҳаж зиёратини адо этган.

Расмийларга кўра, Тожикистон ҳукумати Саудия Арабистони ҳукуматидан ўзлари учун квотани оширишни ва ҳар йили камида 8000 тожикистонликнинг Ҳажга боришига рухсат беришини сўраб келмоқда.

Аммо ҳозирча Саудия тарафи расмий Душанбенинг бу сўровини қондирмаган.

Тожикистон расмийларига кўра, бу йил Ҳаж зиёратини учун тўлов 3985 АҚШ долларига тенг маблағни ташкил этган.

Бу йилги тўлов 2016 йилга нисбатан 570 доллар қимматлаган.

Бунга Саудия подшосининг Ҳаж солиғи ва АҚШ долларининг курси кўтарилгани сабаб бўлган.

Ўзбекистондан ҳам йиллик Ҳаж зиёратига 6000 киши боришига рухсат берилган, бу квотанинг 2018 йилдан 10000 га оширилиши хабар қилинган.

Манба: Би-би-си Ўзбек

Диний таълим шундай ҳам фалаж ҳолатда

Айтмоқчи бўлганим футбол ҳақида эмас! Гапни Шимолий кутбдан бошлаганим учун узр сўрайман. Бизни миллатга таъсир қилиши учун гапни қўшхотинлик ёки футболдан бошлаш керак.

2006 – йилги жаҳон чемпионати саралаш босқичи ёдингиздами? Ўшанда Ўзбекистон терма жамоаси Баҳрайн билан ўз майдонида бахс олиб борганди. Агар Ўзбекистон ғолиб бўлса «плей офф» босқичига йўл олар ва жаҳон чемпионатида чиқиш имкониятини сақлаб қоларди. Ўша бахсни кўрганман.

Ўзбекистоннинг учрашувдаги ягона голлини Миржалол Қосимов киритган эди. Ўйиннинг кулиминацион, ҳеч ҳам ёддан чиқмайдиган жойи эса Баҳрайн дарвозасига белгиланган пеналти бўлди. Жамоа 1:0 ҳисобида олдинда борар, агар пеналти ҳам голга айлантирилса жуда ҳам яхши имкониятга эга бўларди. Шу паллада бирдан ҳакам пеналтини бекор қилди. Вазиятга ҳеч ким тушунмасди. Аммо қарор қабул қилиниб бўлганди. Япониялик ҳакамни бутун Ўзбекистон қарғгани эсимда.

Ҳакамтажрибасизлик қилдимми... ёки Арабаларнинг «салобати» босдимми... хуллас арава кетиб бўлганди. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ўша ўйин юзасидан Ўзбекистон футбол федерацияси Фифага ариза ёзганди. Мазмунан «Ўйинни пеналти белгиланган вазиятдан қайта ўйнаш» дўппини ечиб ўйлаб кўрилса футбол тарихида бўлмаган аҳмоқона ариза эди. Фифа ҳам устимиздан кулгандек ўйинни бутунлай қайта ўйнашга қарор чиқариб, вазиятни унданда чигал ҳолатга айлантирганди. Яқунда икки ўйин натижасига кўра Арабаларга имконият бой берилганди. Ҳа, ўшанда жуда кўпчиликка алам қилгани бор гап. Бу қарор жамоатчиликнинг кескин танқидига сабаб бўлганди. Охир оқибат федерация президенти Алишер Никимбаевнинг истефоси билан бу иш якунига етганди.

Хуллас, «кун.уз» даги <http://kun.uz/12431773> мана бу хабарни ўқиб, ҳозирги ҳолатни юқоридаги вазиятга ўхшатдим.

Диний таълим худдики реанимация хонасида суний кислород найчаси орқали ҳаёт

кечираётган беморга ўхшайди. Бу қарор эса ўша кислород найчасини узиб ташлашга бўлган ҳаракатдир.

Жаҳон чемпионатини орзу қилиб 25 йил кутган мухлислар сингари мусулмонлар ҳам бу кунларни йигирма беш йил кутишди. Ва ниҳоят дардларини эшитадиган раҳбар келди. Ўша ўйинда бўлгани каби барчада умид уйғонди. Аммо ҳакам аталмиш ўртакашлик қилаётган «масъуллар» эса хиёнатга қўл уришяпти. Япон ҳаками Арабаларга сотилса унчалик алам қилмайди. Аммо шу ватан нонини еган, сувини ичган, отаси ўлганда жаноза ўқитган, туғилганида қулоғига азон айтилганлар хиёнат қилса алам қилар экан. Осмон мусаффолигига масъул бўлган юртбоши ўлгандан кейин вазият юмшаб, халқ дардини эшитаман деган раҳбар келди. Диндорлар фифага ёзилган ариза каби аризалар ёзишди. Юқоридан адолат кутиб турилганда эса хиёнат содир бўлишга яқин турилибди. Халқнинг дардини тўғри етқизмаган диний идора ўша пайтда футбол федерацияси айбдор бўлгани каби айбдордир. Биргина нотўғри қадами билан халққа, мусулмонларга хиёнат қилишади. Бугун аризани тўғри ёзиб, вазиятни тўғри баҳолаб юқорига етқизишмаса эртага фифадан келгадек «бекор қилинсин», деган хат оламиз. Ана унда хоинларни ватан ҳам халқ ҳам кечирмайди.

Диний таълим шундай ҳам фалаж ҳолатда. Агар мадрасаларга кириш ёши кечиктирилса аҳвол янада оғирлашади. Шундоқ ҳам муаллима аёллар етишмаслигидан «олий маҳад» каби ўқув даргоҳида ҳам аёлларга эркак домлалар дарс ўтаётган бир вақтда, миллатни динини ўлдириш учун ташланган қадам деб ҳисоблайман ва бу ишда бевосита диний идорани айблайман. Диний идоранинг масъуллари истефога чиқишини талаб қиламан! Бу менинг ижтимоий ташаббусим ва фуқаролик позициям!

Sayyid Islom

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Муҳаррир: Нурбек Саломов